Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!

ХАЛК СЎЗИ

خلق سوزی

ҲИЖРИЙ: ҚАМАРИЙ 1411 ЙИЛ ШАЪБОН, 7-КУН
ШАМСИЙ 1369 ЙИЛ ҲУТ, 3-КУН

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

1991 йил 1 январда таваллуд топган • 1991 йил 21 февраль, пайшанба № 37 • НАРХИ ОБУНАЧИГА 7 ТИЙИН. СОТУВДА 10 ТИЙИН.

Абдусамад ЙУЛДОШЕВ,
«Халқ сўзи» таҳририяти ахборот бўлимининг муҳаррири

ДЕПУТАТ БУРЧИНИ БАЖАРАЯПТИМИ?

УШБУ САВОЛ БУНДАН БУЁН РУЗНОМАНИНГ ДОИМИЙ РУКНИ БЎЛИБ ҚОЛАДИ ВА ШУ АСОСДА ДЕПУТАТЛАР ФАОЛИЯТИ ЕРИТИБ БОРИЛАДИ

Азиз муштарийлар, сезиб, билиб турган бўлсангиз ажаб эмаски, депутат кимму депутатлик нима эканлиги хусусида дўппини ерга қўйиб ўйлаб мушоҳада қиладиган, бу масаланинг тагига етадиган пайт келганга ўхшайди. Бугунги ижтимоий-сиёсий вазият, турмуш-тирикчилигимизнинг ҳолати шуни талаб этаяпти. Зеро, халқ ўз депутатидан кутган нажотни амалда кўрмаяпти.

Шу ўринда ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам ғоят талабчан зукко адиб Абдулла Қаҳҳорнинг селмоғи қиёссиз ушбу сўзларини бир эслайлик: «Мен партиянинг итоаткор солдати эмас, онгли аъзосиман!». Эслайлик-да, ўзимизга савол берайлик: «Депутат чинданам халқ хизматкорими? Депутатлик шарафли унвонми, имтиёзми?».

Аслоҳ Депутат — биз ўн йиллар давомида ўз виждонимизга (имонимизга!) хиёнаткорона, лоф уриб келганимиздек хўжакўрсинга халқ хизматкори эмас. У — халқнинг ҳокимият идорасидаги вакили. Бинобарин, у давлатни, жамиятни, иқтисодиётни идора қилишга иқтидорли киши бўлмоғи керак.

Депутатлик эса, кўпчилик тасаввур қиладигандек, шарафли унвон ҳам ва, айниқса, имтиёз ҳам эмас. У, Конституцияда аниқ қилиб белгилаб қўйилганидек вазифа, бурч. Демак, бу вазифа, бу бурч сўзсиз ado этилмоғи керак. Акс ҳолда депутатнинг ҳам, депутатликнинг ҳам қиммати бир пул.

Депутатларимиз зиммаларига халқ юклаган бурчга содиқлик қилаяптиларми, вазифаларини уддалаяптиларми ёки...

Афсуски, биз депутатларимиз фаолиятининг пировард натижаларини давлат дўконларининг ҳувиллаб ётган совуқ пештахталарида кўраяпмиз. Нарх-наво кундан-кун ошиши оқибатида баракаси учаётган рўзғоримизда, тобора оғирлашиб бораётган турмушимизда ҳис қилаяпмиз. Эртанги кунимизнинг сахродаги саробдек жимиллаб, ҳеч нарсани илғаб, аниқлаб бўлмаслигида сезиб турибмиз.

М. Горбачев икки гапнинг бирида «Ҳамма нарсани ўз номи билан атайлик», деган иборани такрорлашни хуш кўради. Шу иборага амал қилиб айтадиган бўлсак, совет сайлов системасини йиллар давомида «энг адолатли» дея жар солиб келишимизда мунофиқлик бор. Бизда аксарият депутатлар, аввало мансаблари, кейин эса миллатлари, касблари, ёшлари ва ҳатто жинсларига қараб танланади. Шу ягона андозага мос тушганларнинггина номзодлари сайлов бюллетенларига киритилади. Ҳамма сайлов мавзеларида депутатлик мандати ҳам ягона бўлгани учун андозадаги номзод сайланмасдан қолмайди, албатта.

Тўғри, бундан салкам икки йил аввалги сайловларда адолат ва демократиянинг умидбахш учқунлари йилт этгандек бўлди. Сайловчилар ўз ҳақ-ҳуқуқларини таниб, ваколатлари талабида устувор турган мавзеларда бир мандатга бир неча номзод талабгор бўлиб, депутатликка чинакам муносиблар ютиб чиқдилар. Уларнинг жонбозлиги билан кейинги сессияларда ошкоралик, демократия, ҳурфикрлилик (ҳали чала бўлса ҳам) ниҳоят бўй кўрсатди. Бу хайрли қадамларга, илло, кўз тегмагай!

Аммо қўлимизни кўксимизга қўйиб таъкидлашимиз фарзки, андозага солиниб сайланган бошқа депутатларимизнинг инсоний қадриятларига шак келтириш фикридан мутлақо йироқмиз. Чунки уларнинг аксарият кўпчилиги ўз касбининг устаси, табиатан ҳалол, меҳнатсевар, захматкаш инсонлар. Бундайлар меҳнат жабҳаларида қанчалик кўп бўлсалар, ишда шунча унум, даромадда шунча барака, турмушда шунча тўкин-сочинлик таъминланади.

Бироқ тан олмоқ шарт: депутат учун яхши инсон бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди. У ижтимоий-сиёсий жиҳатдан етук бўлмоғи зарур. Негаки юқорида таъкидлаганимиздек, депутат давлатни, жамиятни, иқтисодиётни бошқаришда бевосита иштирок этишга даъват қилинган. Акс ҳолда Советлар ҳокимияти чинакам халқ ҳокимияти деганимиз, уни бошқаришда бутун меҳнаткашлар оммасининг иштирок этиши тўғрисидаги қонунларимиз шунчаки бир рўё бўлиб чиқади.

Муштарийларимиз англаб етган бўлсалар «керак: СССР халқ депутатларининг қатор қурултойлари ва сессияларида мамлакатни иқтисодий инқироз фалокатидан қутқариб қолишнинг энг тўғри, халққа жабр бўлмайдиган, тинч кечадиган йўли чинакам демократик сайловлар орқали парламентни тасдиқлаш аъзолардан тозалашдир, деган янги гап айтилди. Республикамизда ҳам 1989 йилнинг баҳоридаги сайловлар чоғида ана шундай имконият туғилган эди. Хўш, бу имкониятдан қандай фойдаландик?

Ўшанда, ниҳоят, депутатликка муносибларни сайлаб, парламентимизни тозалаб олишни мақсад қилгандик. Мақсадимизга эришдикми?

Ўшанда, ниҳоят, иқтидорли депутатлар лашкарининг республикамизни ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тангликдан халос этиб, халқни рўшноликка бошлашга умид боғлаган эдик. Умидимиз рўёбга чиқдими?

Ҳозир бу саволлар элим, юртим деган, ўзини ўйламай, фақат халқини, ватанини ўйлаётган ҳар бир фуқаронинг дилида ва тилида. Билакс, бу саволлар бугунми, эртагами «ҳа» жавоби билан якунланмоғи керак. Бошқача бўлиши асло мумкин эмас. Бунга эришиш учун қишлоқ депутатидан то СССР халқ депутатигача — ҳамма маслакда, мақсадда, фикр-тортиб керак. Депутат борки, бурчни, ўйда бир, саъй-ҳаракатда яқдил бўлмоғи керак. Депутат борки, бурчини, ваколатни беш йил елкасида самарасиз олиб юравермай, халқ вакили сифатида тайинли иши билан шу халққа наф келтирсин.

Қолаверса, сайловдан сўнг ўтган салкам икки йиллик вақт депутат билан сайловчи ўртасида сарҳисоб қилиш учун етарли. Аслида ҳам депутат нима иш қилгани ҳақида ҳар ярим йилда бир марта сайловчиларга ҳисобот бериб боришга бурчлидир.

«Халқ сўзи» рўзномаси худди шу мақсадда бундан буён депутатларга ҳам, сайловчиларга ҳам минбар бериб боришни лозим кўрди. Чунки у аввало депутатларнинг, сайловчиларнинг рўзномаси, демакки, минбари. Агар улар дилларидаги бор гапларни шу минбардан туриб тўкиб солсалар, бундан беистисно ҳамма ютади. Ана шунда «Халқ сўзи» ҳақ сўзни айтган бўлади.

Биз минбар сўровчи депутат ва сайловчилар аҳволни тўғри англаб, бор гапни рўй-рост айтишларига бироз кўмаклашиб юбориш мақсадида бир-неккита саволни аввалдан эълон қилиб қўймоқчимиз. Масалан, депутатлар қуйидаги икки саволга тўхталсалар мақсадга мувофиқ бўлур эди:

1. Ўзингиз депутати бўлган кенгаш Сизни халқ вакили сифатида кўриб, Сиз билан ҳисоблашяптими!

2. Депутатлик фаолиятингизда маъмурий-буйруқбозлик иш усулидан ҳали ҳам воз кечмаган идораларга дуч келяпсизми!

Маълумки, сайловчилар 4—5 (шаҳарликлар 4, қишлоқликлар 5) депутатга овоз берганлар. Улар ўзлари сайлаган ана шу депутатлар қандай ишлаётганликларини тўғри ва холис баҳоласалар яхши бўларди.

Яна бир нарсани олдиндан писанда қилиб қўймоқчимиз: биз, депутат ва сайловчиларнинг муҳаррирлигимизга ташриф буюриш ёки мактуб йўллашларини кутиб, шу билан қаноатланиб ўтирмоқчи эмасмиз. Рўзнома муҳбирлари ҳам барча бўғин депутатлари ва сайловчиларнинг ҳузурларига борадилар, бевосита суҳбатлашадилар. Ана унда саволлар оқими, суҳбат мароми ўзгачароқ кечиши мумкин.

Кўриниб турибдики, биз қалам юритмоқчи бўлаётган янги мавзу баъзи депутатларнинг нуфузини ошириши, айримлари хусусида эса, бунинг аксича, тавқидий-салбий таассурот уйғотиши мумкин. Бу — табиий ҳол. У ҳеч қандай гина-кудуратга баҳона-сабаб бўлмаслиги керак. Чунки, такрор айтамиз: депутатлик — Асосий Қонунда белгилаб қўйилган аниқ вазифа, бурч. Депутат буни уддалай олиши шарт, акс ҳолда ана шу шарафга номуносибдир.

Шундай қилиб «Халқ сўзи»нинг минбари депутат ва сайловчиларга мунтазир, ташрифингиз ва хатларингизни кутамиз.

КОСОНСОЙ ГИЛАМИ

КОСОНСОЙ районидаги «Тожикистон» давлат хўжалиги қўйчилик ва ачкичиликка ихтисослашгани учун бўлса керак, гилам тўқиш цехи очилганда ишнинг бошланиши осон кўчиб, янгилик тез ривож топди.

Аввалига олти хотин-қиз Хива гилам тўқиш фабрикасига хизмат сафарига юборилди. Уста тўқувчи Бекжон Ҳасанова қўшни вилоятдан келганларга иш ўргатди.

Бўлажак гилам тўқувчилар бироз тажриба ўрганиб қайтиш чоғида Бекжон Ҳасановани қизи Гулнора Абдусатторовни ўз хўжаликларига таклиф қилдилар. У таклифни қабул қилиб, Чимматали Тожибоев томонидан қурилган янги дастгоҳларда ишлаш сирларини ўргатди.

Цех тобора кенгайиб, қуввати ортиб бормоқда.

Р. ИРИСОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

НАВРЎЗГА БИР ОЙ ҚОЛДИ

БИЛИНГ, ҲУТ ҲУТЛИГИНИ ҚИЛАР, СЎНГ ҲАМАЛ КИРАР—АМАЛ КИРАР

Водийларни ёёв кезганда...

МАҚСАДИМИЗ— ТУБ ЯНГИЛАНИШ

«Сиз Иттифоқ шартномаси лойиҳасига қандай қўшимча таклиф этасиз!». «СССР сақланиб қолиш-қолмаслиги ҳусусидаги фикрингиз!» «Умумиттифоқ референдумидан нималар кутмоқдасиз!»

«Халқ сўзи» рўзномаси мухбири Тошкент вилояти меҳнат жамоаларида бўлиб, муштарийлардан юқоридаги саволларга жавоб олди. Қуйида шу суҳбатлар чоғида билдирилган айрим мулоҳазаларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

* * *

Худойберган МУСИРОВ,
Чиноз районидаги Жамбул номли совхознинг бош зоотехниги.

— Биз дўстлигимиз билан кучлимиз деб кўп гапирдик. Гоҳида бу дўстликнинг шаклшамойини бузилаётганини кўриб туриб ҳам шу сўзларни такрорлайвердик. Охири ўз гапимизга ўзимизни тамомила ишонтириб олдик. Шу туфайли халқларнинг тенгма-тенг дўстлиги, ҳамкорлигига путур етганлигини қайта қуриш босқичи ойдинлаштириб кўрсатди. Энди шундай кучлар ҳам пайдо бўлишдики, улар ҳатто республикалар Иттифоқига ҳам тош ота бошлашди, бутун-бутун халқларни ўзаро хунрезликка тортдилар.

Аслида халқларнинг қардошлик Иттифоқи ҳали ўз имкониятларини тўла намоён этиб улгургани йўқ. Ягона хўжалик услубининг кўз очмаган чашмалари қанчадан қанча. Биз ўзимизни ўнглаб, муаммоларимизни баҳамжиҳат ҳал қилиб, янги сифат даражаларига эриша оламиз. Бироқ бунинг учун ҳалол, тенгма-тенг муносабатлар ўрнатилиши керак. Шартномада республикаларнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллиги узил-кесил қайд этилиши зарур. Шу асосдагина биз қардош республикаларнинг федератив Иттифоқини туза оламиз. Янгиланган бу Иттифоқ ҳозиргисидан кудратли бўлиши шубҳасиз. Чунки унинг, таркибидаги ошларнинг ҳар бири ўз хўжалигини эркин юритиши билан қудрат касб этиб, ягона Иттифоқни ташкил қилади.

Марҳамат ҲОШИМОВА,
Калинин районидаги 15-мактабнинг методист-ўқитувчиси.

— Халқимизнинг бир мақоли бор: «Ажралганни бўри ер» дейди. Биз Иттифоқ таркибида энг ёвуз душман — гитлерчилар Германиясининг ҳуружига дош бериб, уни яксон қилдик. Биргаликда халқ хўжалигини тикладик.

Лекин турмушимиз бугунги мушкулотларга дучор бўлган экан, бунинг сабабларини Иттифоқдан эмас, балки қатағонлик ва маъмурий-бошқарув услубининг бузғунчилигидан — демократия ва қонунчилик бузилганлигидан қидиришимиз керак. Қисқаси, мен тенг ҳуқуқли мустақил республикаларнинг янгиланган Иттифоқ шартномаси учун овоз бераман. Вироқ бу шундай шартнома бўлсинки, токи ҳар оила ўз бойликлари ва моддий неъматларини ўзи тасарруф ёта олсин, ҳеч бир миллат ва элатнинг қадриятлари оёқости қилинмасин. Ҳар бир халқ ўз тақдирининг тўла соҳиби бўлгандагина бу Иттифоқ ҳақиқий, қудратли ва бузилмас бўлади. Лекин ҳозирги лойиҳада кўп ўринларда ўша ҳокими мутлақ — Марказнинг устунлиги амал қилиб қола беришини асословчи ифодалар бор. Шу маънода лойиҳа таҳрир этилиши, ҳар қайси республика ўз мустақиллигига эга бўлиши таъминланадиган қоидалар аниқ-равшан ёзиб қўйилиши керак. Шундагина мен Иттифоқ шартномасини қўллаб овоз бераман.

«Халқ сўзи»нинг мухбири Жўра САЪДУЛЛА ёзиб олди.

ҲАЗРАТИ НАВОИЙГА БАҒИШЛАБ

Буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишлаб Ленинободда хилма-хил тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, Хўжанд давлат педагогика институтида махсус ҳафталик уюштирилди. Унинг биринчи кунида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий-амалий конференция бўлди. Унда филология фанлари доктори Эргашали Шодиев «Мантиқ ут-тайр» ва «Лисон ут-тайр»ни қиёсий ўрганишга доир қайдлар», филология фанлари номзодлари Ҳайитбой Мирҳайдаров «Навоийнинг поэтик образ яратиш маҳорати», Тошпўлат Абдуқулов «Навоий ва болалар китобхонлиги», Абдусалом Абдуқодиров «Навоийнинг сўфизмга муносабати», Турсунали Мирзақулов «Навоий ва ҳозирги ўзбек тилининг луғавий мезонлари», Эгамберди Мавлонбердиев «Фарҳод ва Ширин» достонида бадиий тасвир ва характер» мавзуларида қизиқарли илмий маърузалар қилишди.

Ҳафталик давомида дорилфунуннинг ўзбек тили ва ўзбек адабиёти кафедралари ҳамда вилоят мактабларн тил-адабиёт ўқитувчиларининг «Ўрта мактабда Навоий асарларини ўрганиш масалаларига доир» давра суҳбатлари, ёзма ишлар конкурси, ўткир зеҳнлилар баллашуви, навоийшунослар билан мулоқот, мушоира бўлиб ўтди.

Вилоятнинг Конибодом, Ғончи районларида уюштирилган тадбирлар ҳам шоир хотирасини яна бир бор хушнуд қилди.

Бундай хосиятли ишлар йил бўйи давом этади.

Шаҳар жамоатчилигининг кўп йиллик саъй-ҳаракатларидан сўнг катта меъморчилик обидаси бўшатилди, ҳарбий қисм Ўрдани тарк этиб, бошқа томонга жўнаб кетди. Инқилобдан олдиноқ қалъа мустаҳкамлигини ҳисобга олган чор қўшини генераллари ўз гарнизонларини Ўрдага жойлаштиришганди. Бу «анъана» шўролар даврида ҳам бузилмади. Ҳарбий қисмлар келиб кетаверишди. Тарихий обида нураб бораверди. Таниқли археолог олим, профессор Нўъмон Неъматов каби тарих жонкуярларининг оҳи осмонда қолаверганди.

Сўнгги йилда жамоачилик курашига Хўжанд шаҳар кенгашининг маданият, тил, миллий муносабатлар, миллий ва байналмилал анъаналар ҳамда тарихий меросни асраш доимий комиссияси ҳам қўшилди. Ниҳоят, ҳақ қарор топди. Лекин Ўрдани асл ҳолига келтириш учун ҳали жуда катта маблағ ва куч-ғайрат талаб қилинади. Бу ерда тўққизта музей очиш ва «Хўжанд ўрдаси» комплексини ташкил этиш режалаштирилган.

Ўринбой УСМОН,
«Халқ сўзи»нинг ўз мухбири.

Фалсафий шеърият

Ғайбулла ас-САЛОМ

ФАЛАҲ

Одамлар...
Сизга йўқ тараф:
Самовот ва замнинг
жумбоқ тугуни.
Сўзингиз жонга малҳам
ва ўқ,
Кўзингиз тўла саҳр
ва ёвуз, сўқ,
Шон-шараф сизга
ва таассуф,
суф!
Соҳиби қудрат
ва ожиз банда,
Номус тимсоли
ва шармандa,
Беозор мусича
ва газанда,
Ҳотами Той
ва занжирбанд гул*,
Озод ҳикмат
ва ўз-ўзига қул.
Ноёб бир гул
ва рўдапо турк,
Олийжаноб зот
ва исқирт ирк,
Тулан бойлик
ва қашшоқлик,
Зоти шариф
ва ғирт манқурт.
Коинот сарвари
ва мунофиқ тулки —
Инсон зотига кулки.
Бари,
бари,
бари —
Ўзингиз.

* * *

Салламно,
мавлоно, синьор
Дон Кихот —
Футуват сулукин яловбардори!
Мардлик кўрсатдинг
кўп аломат
Қирчанги от узра
мисли шер каби.
Е пири дастгир!
Золимлардан
олмоқ бўлиб
ўч,
Қутқазиш-чун
мазлумларни
қуллиқдан
От сопдинг...
шамол тегирмон сари,
Балли, валломат!
Бўлдик биз сенга мухлис,
Ғайрат-шижоатинг эди
гарчи пуч,
Ниятинг эди
холис.
Қолмадик биз ҳам
армонда.
Ёҳу!
Икки миллион
фуқаронн
Кириб беомон,
Сўнг... оқладик,
Гўё ҳеч нарса
бўлмагансимон.
Ўнлаб халқларни
қилиб бадном
Тагига қуйдик сув.
Йигирмачи аср казолари,
Камоли ақли расолари,
Тирикларни нисқ
жонидан этиб маҳрум,
Бизни даб
жон нисор этган
Марҳумларга чиқаздик...
ўлим жазоларн!

* * *

Эрк змасдир эрк:
Ғар менинг эрним —
Поймол этса бировнинг эрини.
Эрк змасдир эрк:
Бировнинг эрки магар —
Топтаса менинг эрким.
Оғоқ бўл:
Бу оби оташ.
Икки тарафлама йўл.
Эрксиз ҳаёт бир кўчаки,
Боши берк. Қурч.
Эл майини ўйлаю, замондош,
Андиша қил, тўғрилиқнн қуч,
Замон зайлидан сарбасар
Ҳунаба нч.
Гоҳо ўйлаймен, Ғайбулло,
Фиғоним чиқиб:
Эрк деган ширин
Чўпчакнинг
Учдан тўрт адади —
Пуч.
Зеро:
Куч — эрк змас,
Эрк — куч!

* Ғул — дев.

СССР Олий Кенгашининг қарори

ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ, НАРХ-НАВО СИЁСАТИНИ ЎТКАЗИШ ВА АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

СССР ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ АХБОРОТИ ҲАҚИДА

СССР Олий Кенгаши қарор қилади:

1. СССР Вазирлар маҳкамасининг СССР халқ депутатлари съезди ва СССР Олий Кенгаши қарорларига мувофиқ истеъмол бозорини барқарорлаштириш, нарх-наво сиёсатини ўтказиш ва аҳолининг ижтимоий ҳимоялашишини таъминлаш тадбирлари тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. СССР ҳукуматига ўтказиладиган тадбирларни олдиндан компенсация чоратадбирларни амалга оширишни билан ва СССР халқ депутатлари айтган мулоҳаза ҳамда таклифларни эътиборга олиб, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоялашишини кучайтириш билан албатта мустаҳкамлашни таъминлаш топширилсин.

3. Аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашга оид комплекс чора-тадбирларни ўтказишда СССР фуқароларнинг меҳнат қилиш ва одилона ҳақ олиш, уларнинг қонун олдидаги тенглиги ва барча республикалар фуқароларининг тенг ҳуқуқлилигидан иборат конституциявий ҳуқуқларига сўзсиз риоя этилишига асосланилсин.

Мамлакат аҳолисига чакана нархлар ўзгартирилишидан келиб чиқадиган қўшимча харажатларнинг ўрни ягона қондаларга биноан қоплансин.

СССР Олий Кенгашининг раиси А. ЛУКЬЯНОВ.
Москва, Кремль.
1991 йил 19 февраль.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг ФАРМОНИ

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ЎҚИТУВЧИЛАРИ ҲАМДА ХОДИМЛАРИНИ СССР ОРДЕНЛАРИ ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Халқ хўжалиги учун мутахассислар тайёрлаш ишига катта шахсий ҳисса қўшганликлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Ольга Юрьевна Пославская — профессор.

Мардон Любович Собиров — кафедра мудири.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН

Алексей Яковлевич Соколов — кафедра мудири.

Владлен Усмонович Юсупов — декан.

ҲУРМАТ ОРДЕНИ БИЛАН

Турсун Абдураҳимович Азларов — декан.

Маҳмуд Асқарович Маъруфов — кафедра мудири.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Анвар Хўжақулович Жўлнев — декан.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Асрор Абдуваҳобович Абдураҳимов — илмий бўлим бошлиги.

Галина Андреевна Малина — илмий котиб.

Владимир Дмитриевич Тушняков — автомобиль ҳайдовчиси.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 19 февраль.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИДА

20 февраль куни Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши раёсатининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисни Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг раиси М. И. Иброҳимов бошқариб борди.

Раёсат СССР референдуми республика марказий комиссиясининг раиси Қ. А. Аҳмедовнинг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини сақлаб қолиш масаласига доир референдумни ўтказишга тайёргарлик қандай бораётгани ҳақидаги ахборотини тинглади.

Бўлажак референдум СССР халқлари, жумладан Ўзбекистон халқлари тақдири учун ғоят муҳим сиёсий аҳамиятга молик эканлиги таъкидланди. Бинобарин референдумга тайёргарлик ва уни ўтказишда фаол иштирок этиш давлат идораларининг, жамоат ташкилотларининг, барча бўғинлардаги халқ депутатларининг вазифасидир.

Ўзбекистоннинг маҳаллий хусусиятлари ҳисобга олиниб ва ўртага қўйилган саволнинг моҳиятини жумҳурият фуқаролари аниқ ва равшан тушунишларини таъминлаш мақсадида овоз бериш учун қўшимча бюллетень тайёрлаш зарур деб топилди. Қўшимча бюллетень референдум куни иттифоқ идораси тасдиқлаган бюллетень билан қўшиб берилади.

Фикрлашув якунларига биноан қўшимча бюллетеннинг қўйидаги мазмундаги матни тасдиқланди: «Ўзбекистон янгиланаётган Иттифоқ (федерация) таркибида мустақил тенг ҳуқуқли жумҳурият бўлиб қолишига розимисиз?»

Раёсат мажлисида Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўртинчи сессияси

«ЎЗБЕКИСТОН ССРДАГИ КОРХОНАЛАР ТЎҒРИСИДА» ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚОНУНИ ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши саноат, халқ истеъмоли моллари, аҳолига хизмат кўрсатиш ва савдо комитети раисининг ўринбосари О. МАҲМУДОВ маърузаси

Ҳурматли депутат ўртоқлар!

Саноат, халқ истеъмоли моллари, аҳолига хизмат кўрсатиш ва савдо қўмитаси «Ўзбекистон ССРдаги корхоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР қонуни лойиҳасининг умумий моҳияти ҳамда унинг мазмуни тўғрисида ахборот беришни менга топширди.

Кўриб чиқилаётган қонун лойиҳаси — Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг қўмиталари иш олиб бораётган муҳим қонун ҳужжатларидан биридир.

Бизнинг назаримизда, қонуннинг вазифаси энг муҳими товар ишлаб чиқарувчиларнинг тараққий этиш йўлида ва фаолият кўрсатишига қов бўладиган ҳамма нарсани бартараф этишдан иборатдир. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида халқнинг фаровонлиги, жумҳуриятнинг бойлиги ҳам асосан ана шу товар ишлаб чиқарувчиларга боғлиқ бўлади.

Ана шу мақсадларда хўжалик соҳасида мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор қўйилган бўлмоғи лозим. Яқинда «Ўзбекистон ССРда мулкчилик тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР қонуни қабул қилиниб, ана шундай пойдеворнинг асоси яратилди. Биз қараб чиқаётган лойиҳа — бошланган ишнинг узвий давоми, шу мақсад сари ташланган яна бир қадамдир.

«Ўзбекистон ССРдаги корхоналар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси олимлар, хўжалик раҳбарлари, партия, совет, режа-иқтисод идоралари ходимларининг кенг ва фаол иштирокида, меҳнат жамоаларининг фикр-мулоҳазалари ҳисобга олинган ҳолда тайёрланди. Қонуннинг муқобил кўринишлари ҳам тақдим этилди. Улар ҳам қараб чиқилди.

Ўртоқлар! «Ўзбекистон ССРдаги корхоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР қонуни корхоналарнинг умумий ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асосларини белгилайди. У мулкчиликнинг кўринишидан қатъий назар, барча турдаги корхоналарнинг хўжалик фаолияти учун ҳуқуқий асослар яратади.

Қонун корхонани хўжалик жиҳатдан тўла мустақил деб эълон қилар экан, бунинг учун тегишли ваколат ва имкониятлар беради. Шунга кўра корхона қонунда тақиқланмаган бўлса, исталган хўжалик фаолияти билан шуғулланиши мумкинлиги белгиланади. Қонунга кўра ишлаб чиқаришдан мақсад — фойда олишдир. Айни пайтнинг ўзида, деб таъкидланади қонунда, бунинг учун фақат жамоатчиликнинг турлитуман маҳсулотларга, ишларга, хизматларга, умуман жамиятга зарур нарсалар бўлган эҳтиёжини қондириш йўли билан эришиш мумкин.

Корхоналарнинг хўжалик ва ҳуқуқий мустақиллиги мулкдорнинг ҳуқуқларини кенгайтиришни назарда тутиши тушунарли. Илгари қабул қилинган «Ўзбекистон ССРда мулкчилик тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР қонунига мувофиқ ушбу қонуннинг лойиҳасига мулкдорнинг ўзига қарашли мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишдаги мутлақ ҳуқуқларини белгиловчи қоидалар киритилган. Мулкдор корхонани мустақил бошқаради. Агар хоҳиши бўлса, у бу ҳуқуқни ўз ихтиёрига кўра бошқа кишига бериши мумкин. Мулкдор ўзига қарашли мулкни нима қилса, қилавереди, лекин қонунга зид тарзда эмас. Давлат мулкдорнинг мол-мулкини ҳимоя қилишни кафолатлайди. Мулкдорнинг энг муҳим ҳуқуқларидан бири — корхона раҳбарини ёллаш ёки тайинлашдан иборатдир. Қонун лойиҳаси корхона раҳбарига муҳим ваколатларни берган ҳолда унинг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги масалани кўп жиҳатдан янгичасига ҳал этади. Масалан, раҳбар корхона фаолиятига оид барча масалаларни ҳал этишга ҳақлидир, чунончи ўз ўринбосарларини, бошқарув аппаратининг, барча тармоқ бўлинмаларининг раҳбарларини мустақил лавозимга тайинлаш ва озод этиш, корхона маблағларини тасарруф этиш ҳуқуқига эгадир.

Бозор муносабатлари шароитида корхонанинг фаолиятига давлатнинг таъсир кўрсатиши жуда камайтирилган. Бу давлат томонидан режалаштириш тартибига ҳам тамомила дахлдордир. Қонунда таъкидланишича, корхона ўз фаолиятини мустақил режалаштиради, юқоридан туриб режа белгилаш эса бартараф этилади.

Корхона ўз ихтиёрида қолган фойдани тақсимлаш масаласини ҳам мустақил ҳал этади.

Бозор муносабатларида ишлаб чиқаришни моддий-техникавий жиҳатдан таъминлашнинг мазмуни ва уни ташкил этиш сезиларли даражада ўзгаради.

Қонунда белгиланишича, корхона моддий-техника ресурсларини эркин олди-сотди асосида сотиб олиши, бунинг учун воситачи корхоналардан фойдаланиши мумкин. Хўжалик ҳисобидаги корхоналар ҳам ана шу воситачи вазифасини бажариши мумкин. Шу билан бирга, қонун лойиҳасининг 22-моддасида таъкидланишича, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлат эҳтиёжлари учун зарур бўлган ишларни бажараётган ва маҳсулот етказиб бераётган корхоналарга давлат моддий-техника ресурсларини етказиб беради. Бу қоида, назаримда, жуда муҳимдир. Чунки бир томондан — ўтиш даврида корхона барқарор ишлаши учун қулай шарт-шароит кафолати берилади, бошқа томондан — давлат буюртмаси ҳажмлари ошишини чеклаб қўяди.

Қонун лойиҳасида нархнаво масаласига муҳим ўрин берилган. Қонун лойиҳасида айтилишича, корхона ўз маҳсулоти ва хизматига нархнавони мустақил асосда, бозордаги талабни, харидорнинг имконияти, бошқа ахборотлар асосида шартнома тузиш йўли орқали белгилайди. Шунга қарамай, нархнавони назорат қилиш, яккаҳокимликка қарши чора-тадбирни амалга ошириш, айрим ҳолларда — фуқароларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш мақсадларида нарх-навони тартибга солиш ҳуқуқлари давлат ихтиёрида қолади.

Қонун лойиҳасига киритилган муҳим янгиликлардан бири шундаки, меҳнатга ҳақ тўлаш шакли ва тартибини белгилашда корхонага тўла мустақиллик берилган. Бизнинг фикримизча, меҳнатни тўғри тушунишнинг ишончли воситаси, унга ҳақ тўлашда тенгчиликни бартараф этиш воситаси яратилмоқда. Лойиҳанинг 19-моддасида таъкидланишича, ходимнинг меҳнат даромадлари тамомила унинг шахсий меҳнат улушига боғлиқ тарзда белгиланади ва ҳеч қандай мезонда чеклаб қўйилмайди. Фуқароларнинг даромадларини тартибга солиб турувчи ягона мезон, барча ривожланган мамлакатларда бўлгани каби, давлат солиғи бўлиб қолади. Шу билан бирга қонунда тадбиркорнинг ортиқча ўзбошимчалигига қарши қоида ҳам борки, унда ходимнинг меҳнатига махсус қонуиларда белгиланган эиг кам ҳақдан ҳам камроқ ҳақ тўлаш ман этилади.

Қонун лойиҳаси корхоналар капитал қурилиш олиб боришини ҳам тартибга солади. Унда айтилишича, корхона қурилишни амалга оширишда шерик танлашда ёки жой танлашда эркиндир. Бироқ, бу ҳолда жумҳурият қонунларига риоя этиш, бошқа норматив ҳужжатларга, шунингдек қурилиш қонун-қоидаларига амал қилиш шарт.

Меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш қонун лойиҳасининг махсус бўлимида ажратиб кўрсатилган. Жумҳуриятимиз шароитида, бу ердаги нуфуз масаласи анча мураккаб, меҳнатга яроқли одамлар ортиқча, кўпчилик қисмининг турмуш шароити паст бўлган бир пайтда бундай қилиниши тушунарли, албатта. Қонунда белгиланган бу қоидаларнинг моҳияти шундаки, ҳамон меҳнаткашлар корхонада ишлар эканлар, бу корхона кимга тегишли бўлишидан қатъий назар, зарур меҳнат шароитлари яратиш учун ҳамда хавфсизлик техникасига риоя қилиш учун маъмурият тўла жавобгар бўлади. Қонун лойиҳасининг мазкур бўлимида корхонанинг хотин-қизлар, меҳнат ветеранлари олдидаги вазифалари санаб ўтилган. Чунончи, корхонада илгари ишлаган пенсионерлар уйжой билан таъминланишида, тиббий ёрдам хизматидан, ҳар хил хизматлар ва енгилликлардан фойдаланишда ҳозир ишлаётганлар билан тенгдирлар.

Илгари қабул қилинган меҳнат жамоалари тўғрисидаги, давлат корхонаси тўғрисидаги қонунларга хос бўлган камчиликлар ҳисобга олинган ҳолда, лойиҳада меҳнат жамоасининг ҳуқуқлари белгиланган, ишлаб чиқаришни бошқаришда, истеъмол фондини тақсимлашда жамоанинг тутган ўрни таъкидлаб ўтилади. Лойиҳада белгиланишича, меҳнат жамоаси корхона мол-мулкини сотиб олиш тўғрисидаги масалани ҳал этишда, дам олиш кунларини ва қўшимча таътилларни белгилашда, меҳнат кунини қисқартиришда ва меҳнаткашлар учун бошқа ижтимоий енгилликлар яратишда тенг ҳуқуқли томон бўлиб қолади.

Қонун лойиҳаси жамоа шартномаларини аниқ тартибга солади. Чунончи, меҳнатга яроқли одамларнинг ортиқчалигидан келиб чиқадиган салбий оқибатларни юмшатиш мақсадида қатор тадбирлар белгиланган. Лойиҳанинг 31-моддасида айтилишича, корхона тугатилган ёки қайта ташкил этилган ҳолларда корхона меҳнаткашларининг эртанги тақдири ҳақида қайғуриши керак. Тегишли давлат идоралари зиммасига эса янги ишчи жойларини тайёрлаш, кадрларни бошқа ихтисосга ўргатиш тўғрисида ғамхўрлик қилиш, ишсизларга нафақа тўлаш зарурати туғилса — бу нафақани тўлаш учун маблағ ажратиб топиш вазифаси юкланади.

Маҳаллий анъаналар ҳисобга олинган ҳолда корхоналар тўғрисидаги қонун вакиллар кенгаши тузишни назарда тутади. Бу кенгаш маъмурият билан бирга корхона ишларини идора қилиш билан шуғулланади. Бундай кенгашлар хўжаликнинг эгаси бўлмиш субъект томонидан тайиналанади ҳамда меҳнат жамоаси томонидан сайланади. Бундай кенгашларнинг ҳуқуқ ва бурчлари махсус низомда белгиланиши назарда тутилади.

Ўртоқлар, ҳозирги босқичда жумҳурият иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим жиҳатларидан бири — ишлаб чиқаришни бошқа иттифоқдош жумҳуриятлар ва чет эллик тадбиркорлар иштирокида ривожлантириш имкониятини борлигидадир. Бу тадбирлар, шубҳасиз, фан-техниканинг тараққий этишига, илғор технологияларни жадал ўзлаштиришга ва пировард натижада — бозорни озиқ-овқатлар ва бошқа халқ истеъмоли моллари билан мўл-кўл қилишга кўмаклашади.

Шу сабабли «Ўзбекистон ССРдаги корхоналар тўғрисида»ги қонун дахл этаднган соҳага мутлақ ёки қисман иттифоқ, жумҳурият мулки, чет эл фирмаси ва давлатнинг мутлақ ёки қисман мулки асосида яратилган корхоналар ҳам киритилган. Шу билан қонунда ана шундай корхоналарни яратиш ва уларнинг ишлашига оид жиҳатлар Ўзбекистон ССРнинг махсус қонун ҳужжатлари билан белгиланиши қайд этилади.

Ҳурматли халқ депутатлари! Сизнинг муҳокамангизга ҳавола этилган «Ўзбекистон ССРдаги корхоналар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бозор иқтисодиёти қоидаларига тамомила жавоб беради. У рақобат шароитида тадбиркорлик фаолияти учун эркинлик яратиб беради, мулкчиликнинг турли шакллари тенг эканлиги нуқтаи назаридан ёндашади, давлат томонидан бошқарилмайдиган нархларни жорий этиш учун, мол-мулкни, шу жумладан моддий-техника ресурсларини, тайёрланаётган маҳсулот ва хизматларни эркин олди-сотди қилиш учун шароит яратади. Бу тадбирларнинг барчаси иқтисодиётимизни соғломлаштиришга, пулнинг ижтимоий қадрсизланишини, моллар камчиллигини бартараф этиш, даромадларни тақсимлашда ижтимоий адолатни қарор топтиришга қаратилгандир.

Қонун давлат ва унинг идоралари билан мулкдор ўртасидаги муносабатларни аниқ тартибга солади. Мулкдор корхона фаолиятининг натижаси учун тамомила жавобгардир. Давлат таъсир кўрсатиши мумкин бўлган соҳа — солиқ сиёсати, якка ҳокимликка қарши чора-тадбирлар, меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилишдир. Сўзимнинг охирида шуни таъкидламоқчиманки, қонун лойиҳасини тайёрлаш давомида қўмитамизга келиб тушган 700 дан зиёд мулоҳазалар ишчи гуруҳимиз томонидан ўрганиб чиқилди.

Қонуннинг лойиҳасини умуман маъқуллаган ҳолда илмий ташкилотлар, вазирликлар, идоралар, хўжалик раҳбарлари Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва оддий фуқаролар лойиҳанинг қатор моддаларини такомиллаштириш юзасидан қимматли таклифлар киритдилар. Кўпгина таклифлар, хусусан жумҳурият мустақиллигини мустаҳкамлашга, бозор иқтисодиёти қоидаларини янада ривожлантиришга ва меҳнаткашлар учун ижтимоий кафолатларни мустаҳкамлашга қаратилган таклифлар лойиҳага киритилди. Масалан, 1, 4, 12, 13, 21, 35-моддаларда тушган таклифларга мувофиқ корхоналар фаолиятининг соҳалари анча аниқ белгиланган, иттифоқ бозорининг бир бутунлигини мустаҳкамлаш назарда тутилган. Бизнинг назаримизда, бундай ёндашув жуда адолатлидир. Чунки у ижроия ҳокимият ичидаги таназзулни бартараф этишга қаратилган бўлиб, бу таназзул ҳозирги қийинчиликларнинг муҳим сабабларидан биридир. Қўмитамиз қонун лойиҳасига киритилган тузатишлардаги 23 ва 36-моддаларни қабул қилишни лозим деб ҳисобламади.

Таклифларнинг кўпчилик қисми қонунни қўллаш соҳаларига оид бўлди. Ана шу муносабат билан биз яна бир бор таъкидлаб айтамизки, фойда оладиган барча корхоналар унинг таъсир доирасида бўлади. Қонун амалда хўжалик юритишнинг хўжалик услубини қарор топтиради. Унинг шиори: фойда бўлмаса — корхона ҳам йўқ. Зарар кўриш — бу синиш дегани, яъни корхона фаолиятини тўхтатиш ёҳуд текинхўр бўлиб яшамоқ дегани. Ана шундай ҳолларда жамоа қонунда кўзда тутилган ҳуқуқларга даъвогарлик қила олмайди.

«Ўзбекистон ССРдаги корхоналар тўғрисида»ги қонун лойиҳасини сизнинг муҳокамангизга ҳавола этар экан, Ўзбекистон ССР халқ депутатлари қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлашларига ва шу орқали иқтисодиётдаги муҳим, ўзгаришларга кенг йўл очиб беришларига Саноат, халқ истеъмол моллари, аҳолига хизматлар кўрсатиш ва савдо қўмитаси ишонади.

Эътиборларингиз учун раҳмат!

«Халқ сўзи» таништиради

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари IV сессиясида қуйидаги ўртоқлар Ўзбекистон ССР прокурорининг ўринбосарлари этиб тасдиқланишди.

НОРПУЛАТОВ
Нормейли Нортўраевич

1950 йилда Сурхондарё вилоятининг Шеробод районида туғилди. Ўзбек. КПСС аъзоси. Маълумоти олий. 1973 йилда В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университети ҳуқуқшунослик факультетини тугатди. Мутахассислиги — ҳуқуқшунос.

Меҳнат фаолиятини 1964 йилда Термиз шаҳридаги «Узсельэлектрострой» трестига қарашли 6-қурилиш-монтаж бошқармасида электромонтёрликдан бошлаган. Кейинроқ иккинчи автотрестнинг 23-автокорхонасида слесарь бўлиб ишлади. Дорилфунунни тугатгач, ҳуқуқшунослик факультетининг «Колхоз ва ер ҳуқуқи» кафедрасида ўқитувчилик қилди. Кейин Сурхондарё вилоятининг Денов район прокуратурасига юборилди. У ерда стажировкадан ўтгач, Термиз шаҳар прокуратурасига терговчи вазифасига ўтган. 1980 йилда Сурхондарё вилояти прокурорининг ёрдамчиси этиб тайинланди. Сўнг — вилоят прокуратурасида катта терговчи. 1984—1986 йилларда Термиз шаҳар прокурорининг ўринбосари, Денов шаҳар прокурори, Сурхондарё вилояти прокурорининг ўринбосари, 1986—1990 йилларда Жиззах ва Сурхондарё вилоятларининг прокурори бўлди. 1990 йил октябридан Ўзбекистон ССР прокурорининг биринчи ўринбосари.

ДОНЦОВ
Владимир Васильевич

1946 йилда Хабаровск ўлкасининг Комсомольск-Амур шаҳрида туғилган. Рус. КПСС аъзоси. Олий маълумотли. 1971 йилда Харьков ҳуқуқшунослик институтини тамомлаган. Ҳуқуқшунослик фанлар номзоди.

Меҳнат фаолиятини 1965 йилда Харьков шаҳрида йиғувчи-слесарликдан бошлаган. Сўнгра электр-слесарь, сувоқчи-бўёқчи бўлиб ишлаган. Ҳуқуқшунос дипломини олгач, Горький вилоятидаги Лукьянов районои прокуратурасига терговчи вазифасига тайинланди. Кейин Котовск шаҳар прокуратурасида катта терговчи, прокурор ўринбосари, Горький вилояти прокуратурасида прокурор-криминалист, тергов бошқармаси бошлиғининг ўринбосари бўлиб ишлаган. 1984 йилда Қорақалпоғистон мухтор республикаси прокурорининг биринчи ўринбосари, икки йилдан сўнг мухтор республика прокурори этиб тайинланган. 1990 йилнинг июнидан Ўзбекистон ССР прокурорининг ўринбосари — кадрлар бўлимининг бошлиғи.

МИРЗАЕВ
Тоҳир Қомбароович

1952 йилда Тошкент вилоятининг Янгийўл районида туғилган. КПСС аъзоси. Олий маълумотли. Мутахассислиги— ҳуқуқшунос.

Меҳнат фаолиятини 1968 йилда Янгийўл мебель фабрикасида ишчиликдан бошлаган. 1970—1972 йилларда Совет Армиясида хизмат қилган. 1978 йили В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университети ҳуқуқшунослик факультетини тугатгандан сўнг Тошкент шаҳар Фрунзе район прокуратурасида стажировкадан ўтди. 1979—1985 йилларда Фрунзе район прокуратурасида терговчи, катта терговчи, прокурор ўринбосари вазифаларида ишлади. Тошкент шаҳар Киров район прокурори бўлди. Сўнгра Хоразм вилояти прокуратураси тергов бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, 1987 йилдан ташкилий назорат бўлимининг бошлиғи, 1989—1991 йилларда вилоят прокурори вазифаларида ишлади. 1990 йилнинг март ойидан Ўзбекистон ССР прокурорининг ўринбосари — тергов бошқармасининг бошлиғи.

РАҲИМОВ
Фахри Ҳайдарович

1953 йилда Пахтакор районида туғилган. Ўзбек. КПСС аъзоси. 1975 йилда В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университетини тугатган. Маълумоти бўйича ҳуқуқшунос. Ҳуқуқшунослик фанлари номзоди.

Меҳнат фаолиятини 1975 йилда Жиззахда стажёрликдан бошлаган. Сўнг шаҳар прокурорининг ёрдамчиси бўлган. 1978—1980 йилларда Жиззах вилояти прокурорининг умумий назорат бўйича ёрдамчиси, сўнгра Давлат хавфсизлиги комитетида терговчи ва ахлоқ тузатиш муассасаларида қонунларнинг бажарилишини назорат қилиш бўйича катта ёрдамчи вазифасида ишлади. Кейинги йилларда Зарбдор ва Дўстлик районларида прокурор, 1988 йилдан эса Ўзбекистон ССР Прокуратурасининг умумий назорат бўлими бошлиғининг ўринбосари бўлди. 1990 йил апралидан ижтимоий соҳаларда фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш бошқармасининг бошлиғи.

Гулистондаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг жамоаси истеъмол бозорини юқори сифатли моллар билан таъминлаш учун илғор технологияларни жорий этишга, мавжуд қувватлардан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор бермоқда. Беллашувда илғор ишчию усталардан Маҳфират Мелибоева (суратда чапдан), Умринисо Ражабова, Ҳайринисо Абдураҳмонова, Насиба Ҳаққулова, Муҳаббат Исмадиёрова, Малоҳат Жўрабоева ва Сафия Ҳакимова пешқадам. Уларнинг ҳар бири зиммасидаги топшириқни ошириб уддаляпти.

Муҳаммад КАРИМ олган сурат.

КГБ: Махфийликдан—ошкораликка

ЎЗБЕКИСТОН ССР Олий Кенгашининг Мудофаа, давлат хавфсизлиги ва ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш комитети аъзолари жумҳурият Давлат хавфсизлиги комитетига ташриф буюриб, бу маҳкаманинг кундалик иш фаолияти билан танишдилар.

ДЕПУТАТЛАР ушбу маҳкаманинг узоқ йиллар давомида махфий бўлиб келган фаолияти билан танишуви унинг мазмуни-моҳияти жиҳатидан жуда ранг-баранг ҳужжатлар тўпланган архивидаги иш жараёнидан бошлашди.

Эътироф этиш керакки, қайта қуриш шамоли эсганидан кейингина шундай имконият сари йўл очилди. Илгари нафақат ҳужжатлари билан танишиш, балки бу даргоҳга ҳатто қадам босиш амри маҳол эди. Мана энди, хавфсизлик комитети масъул ходими таъкидлашича, архив ҳужжатлари билан турли ижодий уюшмалар ва илмий-тадқиқот институтларининг вакиллари танишишлари мумкин. Бу ерда депутатлар уч-тўрт нафар илмий ходим «ишларни кўздан кечиришаётганига гувоҳ бўлдилар, бир пайтлар халқ душмани деган ноҳақ тамға босилган Фитрат, Абдулла Қодирий каби асл ўзбек фарзандларининг шахсий ҳужжатлари дастасини ўз кўзлари билан кўрдилар.

Шундай далил келтирилди: бугунги кунгача ноҳақ қораланганлардан 16 минг кишининг шахсий ҳужжатлари ўрганилиб, номлари оқланибди. Бу жараён давом этмоқда, ҳали яна минглаб номи бадном қилинган бегуноҳ кишилар тавақи лаънат тамғасидан халос бўладилар.

Депутатларни мазкур архив даргоҳи ҳамма фуқаролар учун ҳам бирдек очиқмикин, деган масала қизиқтирди. Хавфсизлик комитетининг масъул ходими бу саволга ижобий жавоб берди. Фуқаролар ўз қариндош-уруғлари тақдирига оид хат йўллосалар, улар бу арга таклиф этиладилар ёки ёзма жавоб оладилар.

Фуқаролар бу масалада аслида халқ депутатларига мурожаат қилганлари маъқул. Акс ҳолда архивга келувчиларнинг саноғи бўлмай, ҳужжатлар қўлдан қўлга ўтавериб, тезда яроқсиз ҳолга келиб қолиши аниқ. Бунга эса йўл қўйиб бўлмайди. Чунки сақланаётган ҳужжатларнинг ҳар бири тарихий аҳамиятга молик.

Халқ депутатлари хавфсизлик комитетининг кечаю кундуз тинимсиз ишлайдиган навбатчилик хизмати билан қизиқиб танишдилар. Матбуот, телекўрсатув ва радио эшиттиришларида эълон қилинган телефон рақамлари орқали бу ерга жумҳуриятнинг турли бурчакларидан сим қоқиб, ахборот бериб туришади. Олинган хабарлар тартибга солиниб, ишланади-да, раҳбар идораларга ҳавола этилади.

Навбатчилик хизматининг иш жараёни билан танишиш чоғида жамиятимиз учун умумий бўлган жиддий камчилик кўзга ташланиб қолди. Аҳоли ўртасида ҳуқуқий таълим пухта йўлга қўйилмаганлиги сабабли одамлар арзимаган масала, чунончи, бирор дўкон сотувчиси харидор ҳақиниладиган ЭҲМлардан ривожланган мамлакатларда бундан 15—20 йил илгари фойдаланишган. Бундай суръат билан хавфсизлик ишларини даер талаби даражасига кўтариб бўлмайди, албатта.

Шу ҳақда фикр алмашиш чоғида депутатлар жуда фойдали таклифни ўртага ташладилар. Тошкент шаҳрида Давлат хавфсизлиги комитетининг ҳамма учун очиқ музейини ташкил этиш керак, токи халқ унинг тарихи, асосий вазифаси ва кундалик ишидан воқиф сида олиб келинган ускуналарни ўрнатишга ҳам атайлаб тўсқинлик қилиш ҳоллари оз эмас.

Учрашувда хавфсизлик комитети ходимларининг 50 ва 100 сўмлик пулларни алмаштириш чоғида ҳам жуда самарали ишлаганликлари таъкидланди. Контрабандачилар ва уюшган жиноятчилардан ташқари банк хизмати соҳасида ҳам шу қадар кўп жиноий ишлар очилдики, буни ҳатто тасаввур ҳам қилишмаганди.

Учрашув Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мудофаа, давлат хавфсизлиги ва ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш комитети аъзолари билан бўлаётганидан фойдаланиб, чекистлар Давлат хавфсизлиги комитети тўғрисида янги қонун қабул қилиш зарурлиги масаласини кўтардилар. Жумҳурият Олий Кенгашининг навбатдаги сессияларидан бирида шу масала кун тартибига киритилиб, муҳокама қилиниши керак. Чунки чекистлар ҳамон 1959 йилги низом бўйича фаолият юритмоқдалар. Даер эса мутлақо янги. Демак, янги қонун сув билан ҳаводек зарур. Ахир Давлат хавфсизлиги комитетининг қандай ташкилот эканлигини, унинг кимга хизмат қилишини халқ аниқ билиши керак-да! Акс ҳолда бу маҳкаманинг иши шу пайтгача бўлганидек мутлақо маҳфийлигича қолаверади, ошкораликка рўёбга чиқмайди.

Абду САМАД.

Депутат ҳисоб беради

САЙЛОВЧИ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Сайловлардан буён орадан қарийб бир йил кечди. Худди кечагидек ёдимда: «Сиз депутат бўлсангиз нима қуриб берасиз?» «Сиз депутат бўлсангиз газ олиб келасизми?»

Ана шу саволлар ўшанда мени ранжитган эди. Чунки шу саволни бераётган киши тор ўйлаётгандек, бутун жамҳурият тақдирини ёддан чиқараётгандек туюларди. Мен асабийлашиб: «Қурувчи эмасман» дердим. Аслида ҳам шундай. Бироқ қурувчилар, йўл созловчилар, газ «улашувчи»лар ҳамда казо-казо раҳбару раҳбарчалар ўз ҳузур-ҳаловатларини кўриб, оддий кишилар, улар яшайдиган қишлоқлар тақдирини унутишса, нима қилишсин?! Умидни кимга боғлаш, кимдан нажот кутиш зарур? Албатта, депутатдан нажот кутишади-да!

Сайловдан кейин юзлаб аризалар, шикоятлар билан бирга ўнлаб талабномалар олдим. Ҳаммасида дард, ташвиш. Ҳамасида бир дардли фиғон келади.

«Биз, оқсоқоллар, Жомбой районининг «Партия XXII съезди» колхозида истиқомат қиламиз. Югуриб-элиб 1-бригада ҳудудида газ қувурлари ётқизиш лойиҳасини ҳозирладик. Оз эмас, кўп эмас, — икки минг сўм пулимиз кетди. Лекин иш юришмаяпти. Дунёдан ўз юмиб ўтмасимиздан олдин шу ёруғ кунни, яъни болаларимиз, неваларимиз биз орзу қилган кунга етишганини кўрсак дегандик. Сиздан, депутатимиздан ўтиниб сўраймиз, шу масалани ҳал қилиб берсангиз».

Б. Тўрақулов, Т. Ҳамроев, М. Пардаев ва бошқа ўнлаб отахонлар имзо чеккан бу хатга бефарқ қараш мумкинми?

Ана шундай талабномалар «Жомбой», Улуғбек номли давлат хўжаликлари, «Ўзбекистон», «Зарафшон» жамоа хўжаликлари қишлоқларида истиқомат қилувчилардан ҳам ёғилиб келадн. Қайси бирига шошилиш керак? Ҳамма «аввал бизга бўлсин» дейди. Нима қилиш зарур?

— Давлат планидан ташқари 52 километрдан иборат таъминловчи ва тарқатувчи газ тармоғи ўтказиш зарур, — дейди райижроком раиси Нурилла Исмоилов. — Бунинг учун анча-мунча масофага етадиган қувур керак.

«Облгаз»га бораман. У ерда ҳам «Битта-иккита қишлоққа ёрдам қилишимиз мумкин» дейишади. Бошқарма бошлиғи М. Молотов билан Жомбойга йўл оламиз. Бир қишлоқ ташвиши енгиллашади. Ҳар куни қатнаб, фиғони кўкка ўрлаган отахонларнинг бир гуруҳини эргаштириб давлат таъминоти вилоят бошқармасига югураман.

— Иложим йўқ, қувур беролмайман, — дейди бошқарма бошқарувчиси А. Раҳматов. — Лекин тартиб бузилса-да бир илож қилиб озроқ топамиз.

Шунисига ҳам қуллуқ қиламан. Аммо бу аҳволда ҳамманинг дардига малҳам тополмаслигимни англайман. Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг дастлабки сессиясида республикани ривожлантириш йўналишлари муҳокама қилинди. Шу масала юзасидан қарор лойиҳасини ишлаш комиссиясига қўшилдим.

— Биз режадан ташқари қувур ишлаб чиқараяпмиз, — деди комиссия раиси, ҳукумат бошлиғи Ш. Р. Мирсаидов. — Шу қувурни бир йил энг оғир вилоятга, кейинги йил бошқасига берсак...

Шунда мен Жомбой районининг аҳволини айтиб, энг оғир районларни газлаштириш тўғри деган масалани илгари сурдим. Роса тортишдик. Ниҳоят, шунга келишдик. Лекин қувурни қайси районга бериш вилоят ижрокоми ихтиёрига берилди. Мен воқеани ижроком раиси Т. Р. Қиличевга айтдим.

— Майли, қаники шундай бўлса, — дедилар.

Кейин Жомбой раҳбарларини ҳам огоҳлантириб қўйдим. Ўзбекистон ССР Вазирлар маҳкамаси 1990 йил 25 майда 178-сонли фармойиш билан Самарқанд вилоятида 76,1 километр узунликда газ тармоқлари қуриб ишга тушириш ва уларга зарур миқдорда қувурлар ажратишни белгилади. Аммо фиғонлар сўнмади. Қувурлар қаерларгадир тарқаб кетди. Озгина қисми Жомбойга етиб борди.

Энди нима қилиш керак? Сайловчилар талабномаларни тинимсиз ёзишмоқда. Уларни тушунаман. Ўчоққа ғўзапоя қалашдан чарчашган, келинчак қўллари таппи ёпавериб оғриқдан қимирламай қолади, ўчган оловни пуфлайвериб кўзларидан ёш оққан онанинг тоқати тоқ бўлган. Улар ҳам озода, гўзал яшашни истайдилар. Уйлари иссиқ бўлишини, болалари дилдирамасдан ухлашини хоҳлайдилар.

Қўлимга ручка ва қоғоз оламан. Яна Ш. Р. Мирсаидов номига хат битаман:

«Муҳтарам Шунирулла Раҳматович!

Мен ўзим Самарқанд вилоятининг Самарқанд районида туғилиб ўсганман. Бу ерда аҳвол анча дуруст. Аммо мени халқ депутатлигига адолатга ташна жомбойликлар сайлашган. Самарқандининг энг қашшоқ ва ғариб райони шу...

Сиздан ушбу районга нажот қўлини чўзишингизни сўрайман. Бир йилгилишда энг аввало қашшоқ районларни газлаштирамиз деб ваъда бергандингиз. Шу боис, биринчи қадам сифатида Жомбой учун 100 километр ҳажмда газ қувурлари ажратсангиз.

Азиз Самарқандга борганингизда шу районга ҳам бир назар солсангиз, Орол бўйидан-да ғариброқ жой борлигига ишонч ҳосил қилардингиз

Ҳурмат билан Жаҳонгир МУҲАММАД,
1990 йил 5 сентябрь».

Орадан 22 кун кечиб, Ўзбекистон ССР Режа давлат комитетидан жавоб оламан.

«Сизнинг Вазирлар маҳкамаси раисига ёзган талабномангиз асосида «Ўзбекгаз» бошқармасига Жомбой районини газлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш топширилди». Ўзбекистон ССР Режа давлат комитети раисининг ўринбосари Э. Тожиевнинг бу қоғозидан кейин кўп ўтмай «Ўзбекгаз»дан хат келди. Муз кўчибди. Анчагина қувур ажратилибди.

— Тағин қуруқ қолмайлик, — дея Нурилла акага қўнғироқ қиламан.

— Йўқ, қаердандир олиб келиш керак экан, одам жўнатяпмиз, — деди ижроком раиси.

Озгина енгил тортаман. Неча ойдирки, бу хусусдаги ўнлаб талабномаларга жавоб тополмас эдим. Энди ишлар юришиб кетса ажабмаски, талабнома ёзганлар ўз депутатларидан расмий жавоб сўраб ҳам ўтиришмайди.

Иккинчи бир даста талабномалар, менинг наказларимдан бири ҳақида.

«Ҳурматли депутат! Сизга равшанки, Жомбой азалдан ўзининг табиий гўзаллиги, ҳавоси мусаффолиги, Зарафшон дарёси қирғоғида жойлашгани сабабли шифобахш гиёҳлари, нумушранг балиқлари, ноёб жониворлари билан таърифи оғизга тушган.

Тарих чарх уради, замон ўзгаради, Жомбой саноат корхоналари мариазига айланмоқда. Табиат гўзалликлари топталмоқда. Табиат фиғон солмоқда. Унга қўшилиб инсон ҳам фиғони билан борлиқни ларзага келтирмоқда. Узоққа борманг, Жомбой гўшт комбинатига назар солинг...»

Тошкент маҳалласидан ўнлаб одамлар имзо чеккан бу талабнома ҳам кишига тинчлик бермайди. Гўшт комбинатига бораман.

— Ҳа, тозалагич иншоотлари замонавий асбоб-ускуналар билан янгиланиши керак, — дейди комбинат директори Ҳафиз Азизов. — Шу билан бирга ёнимиздаги автокорхонани ўз қарамоғимизга олиш зарур. Тағин, «Мясомолторг» деган идора даромадимизнинг анчагинасини туя қилаяпти. Агар бу пул ҳам ўзимизга қайтганда...

Ҳа, «занжир реакцияси». Лекин уни ечиш шарт. Хўш, нимадан бошлаш зарур? Мутахассислар кўриб чиқиб, бешта электр двигатели, иккита ҳаво сўргич, икки километр ҳажмда беш хил ноёб қувурлар керак дейишди. Самарқандда уч-тўрт эшикка бош урдик, бўлмади. Ноёб дейишди. Ниҳоят, Ўзбекистон Вазирлар маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ Жўрабеков номига депутат сўрови ёзишга тўғри келди. Исмоил Ҳакимович автокорхонани комбинатга беришни мақсадга мувофиқ деб топди. Тозалагич иншоотларини ускуналарини топиш масаласини Ўзбекистон ССР Давлат қишлоқ хўжалик ширкат комитети (собиқ)га топширди. Борлари ажратилди. Йўқлари 1991 йилнинг биринчи ярмида ажратилажаги маълум қилинди.

Худога шукур, деб юбораман. Лекин ҳали бу иш охирига етиши керак. Қани эди вилоят кенгаши, район кенгаши депутатлари бу ёғини назорат остига олишса.

Ҳа, кўнглингиз сезиб турибди. Навбатдаги талабномалар қурилиш билан боғлиқ. Бу энг оғири, ташвишлиси ва дарров ҳал бўлиши қийинидир. Менга сайловчиларнинг ўнлаб наказлари орасидан бир нечтасини 293-Жомбой сайлов округи наказ сифатида расмийлаштирган. Жумладан, «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида, Саидаҳмад Сиддиқий номли мактаб ёнида шу номдаги янги мактаб, Улуғбек номли давлат хўжалигида клуб, Жомбой шаҳрининг Самарқанд маҳалласида болалар боғчаси, 36-мактаб учун янги замонавий бино, Жомбой шаҳрида 130 ўринли туғруқхона ва 160 ўринли юқумли касалликлар шифохонаси қурилиши... Албатта, йўл қурилиши ва бошқаларни санамадим. Ҳозирги кун тарозисига қўйганда ўта оғир ишлар. Айримларига киришдим, бу ёғини қолган тўрт йил давомида эпларман. Ахир улардан ҳам кўз юмишга ҳаққим йўқ.

«Биз «Мосива» колхозининг 8 бригадаси ҳудудида яшаймиз. Колхозда иккита мактаб бор. Аммо узоқ. Ҳашар қилиб, I—III синфлар учун иккита хона қурганимизга ўн йил бўлди. 70 бола ўқияпти. Мурожаат қилмаган жойимиз қолмади. Яна тўртта хона зарур». Ун киши имзо чеккан.

«Ўртабўз қишлоғида мактаб бор эди. Лекин Тошкент — Термиз йўли кенгайиши муносабати билан у бузиб ташланди. Болалар узоқдаги мактабга қатнаб, бир нечаси йўлда ҳалокатга учради. Қишлоқда минг нишидан кўп аҳоли бор. Мактаб қуриб ва очиб берсангиз...» Уттиздан зиёд имзо.

«Бўлимимизда ўн олти киши ишлайди. Хона, стол, стул етишмайди. 3 хонадан иборат тор жойда тағин 20 минг архив папкаси сақланади. Биз аҳолига ижтимоий таъминот хизмати кўрсатамиз. Бизга ким хизмат кўрсатади?»

«Бизнинг Анвал Икромов номли 27-ўрта мактабимиз 1948 йилда хом ғиштдан қурилган. Хоналар кичикина-кичикина. Вино деворлари нураб кетган, қулаб бораяпти. Деворнинг кўп жойлари ёрилган. Хуллас, аҳвол оғир, 1988 йилда 422 ўринли янги мактаб биноси учун лойиҳа тайёрланди. Бироқ қурилиш режасига киритилмаяпти».

«Капитал қурилиши ва планлаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси шуни маълум қиладики, Жомбой районидаги 27-ўрта мактаб Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 17 сентябрь 1984 йил № 290-қарори билан тасдиқланган авария ҳолатидаги мактаблар рўйхатида йўқ. Имзо. 1990 йил 15 октябрь». Бирлашма бошлиғи Р. Давлатов ўрнига кимдир имзо чеккан. Ёпирай, дейман. Бир асрда бир марта авария ҳолати юзага келиши мумкинми? 1984 йилдан бери қанча дарёлар оқди, ўнлаб мамлакатлар харитада ўзга ном топди. Ўнлаб шаҳарлар ер юзидан йўқолди... Энди Р. Давлатовни, менга жавоб ҳозирлаган бирлашма ходими А. Исломовни етаклаб Жомбойга олиб бориш керак, шекилли...

«Қизил Юлдуз қишлоғидаги Завқий номли 36-мактаб биноси 1929 йилда қурилган. Синфлар тор, қоронғу, деворлари ёрилиб кетган. Бизнинг қишлоқда қачон янги мактаб қурилади? Сиз шуни ҳал қилиб берсангиз». 48 киши имзо қўйган.

Ҳа, озгина қолган экан коммунизмга етишимизга! Агар тўхтамасдан давом этсак, балки етиб борармидик. Ўшанда дарсларни бирваракайига эгат оралари да ўтаверардик. Мактаб ташвиши ҳам бўлмасди. Жамоа хўжалиги ва туман раҳбарларининг хаёлида ҳамон шу фикр яшаётганга ўхшайди.

«Бизнинг Тошкент маҳалламизга ничкина бўлса-да клуб қуриб беришда ёрдамлашсангиз. Бир гуруҳ ўқувчи ёшлар».

«Ўзбекистон» колхозининг Сарчашма ёки Мангит қишлоғида янги мактаб биноси қуриб берсангиз». Имзо: олти киши.

«Найман қишлоғида участка касалхонаси очиб берсангиз». Имзо: 13 киши.

Хуллас, талабномалардан бир-икки сатрдан келтирсам ҳам рўзнома саҳифаси етишмайди. Буларни ёзган одамларга раҳмат айтгим келади. Чунки улар ҳузуримга, қабулимга келадиган юзлаб фуқаро сингари 50 та шифер ёки ғишт сўраб эмас, эл ташвишини чекиб мурожаат қилишган. Бу билан шифер сўраган одамни айбламоқчи эмасман, унга ҳам қийин. Бироқ унисида ҳам, бунисида ҳам фиғон бор. Гап уни англашда, тинглашда. Менга бу фиғон тинчлик бермайди. Унга жавоб қидираман. Ҳукуматга Жомбой районининг ижтимоий тараққиётига доир тадбирлар кўриш ҳақида таклиф киритаяпман. Ўзбекистон ССР халқ депутати, жомбойлик Келдиёр Исроилов ҳам ёрдамга келди. Зора шундан кейин жавоб топилар. Ҳозирча Жомбой район кенгаши, Самарқанд вилоят кенгашидан нажот кутаман. Фиғон уларга ҳам етиб борса, зора бирлашиб, кўплашиб киришсак, ғишт қолипидан кўчар.

«Халқ сўзи» рўзномасида ушбу мақолам чиқишига имконият берилганидан фойдаланиб, ссуда сўраб хат ёзган ўнлаб сайловчиларимга хабар қилмоқчиман: сизнинг хатларингиз асосида тегишли идораларга мурожаат этган эдим, Самарқанд жамғарма банкидан хабар қилишди: Жомбойга фақат январь ойида қўшимча 150 минг сўм ажратилибди, демак, ўнлаб кишиларнинг мушкули енгиллашибди. Қани эди ҳамма муаммолар ана шундай ҳал бўлса...

Қолган гаплар, наказлар, ташвишлар ҳақида кейинги мақолада тўхталарман.

Жаҳонгир МУҲАММАД,
Ўзбекистон ССР халқ депутати, республикада хизмат кўрсатган журналист.

Акс садо

БИЗГА ТОШ ОТГАННИНГ...

Яқинда «Литературная газета» (16 январь, 1991 йил)да А. Кружилиннинг биз — тоқкентликларни ларзага солган «Клан» («Уруғаймоқлар») номли мақоласи эълон қилинди. Мақолага Михаил Жванецкийнинг: «Тошкент кўчалари хушбўй ҳидларга тўла, одамлари бир-бирини ўлдиришни истамаётган сўнгги шаҳар бўлса эҳтимол» деган сўзлари эпиграф қилиб олинган. Муаллиф Тошкентдаги нисбатан осойишта турмушни «заҳарлаш»га, осудаликка «путур етказиш»га уринаётган кучларни «фош этиш»га ҳаракат қилади.

Мақола муаллифи шаҳримизга шундай таъриф беради: «...умидсизликка берилмайдиган, басавлат, бир вақтнинг ўзида уч тилда гапирадиган, арзонга олиш ва қимматга сотишда ҳатто шайтонни доғда қолдирадиган, раҳмдил ва мутлақо шафқатсиз Тошкент».

Мазкур таърифни айни кунларда рўй берган мана бу ҳақиқат билан қиёсланг:

Шу йилнинг 12 январида жумҳуриятимиз телевидениесининг «Ҳафтанома» кўрсатувида пойтахтимизнинг Россиядан келтириладиган газламалар ҳисобига ишлайдиган кўплаб саноат корхоналарида иш тўхтаб қолганлиги айтилади. Маълум бўлишича, Россия бизга етказиб берадиган кўплаб газламаларнинг нархини 300—400 фоизга оширибди. Корхоналаримиз эса Россиянинг маҳсулотларини бундай нархда сотиб олиш қувватига эга эмас. Натижада кўплаб корхоналарда иш тўхтаган. Бу — мазкур корхона меҳнаткашларига бериладиган маош ҳам тўхтади, деган сўз.

Худди шу куни сотувга чиқарилган «Аргументы и факты» рўзномасида босилган СССР Давлат нарх қўмитасининг раиси Б. Сенгачевнинг муҳбир саволларига жавобларидан ёқа ушламасдан иложингиз йўқ: «Масалан, Ўзбекистон (кўпчилик бу ҳақда айтганидек ва кутганидек) пахтанинг нархини аввалгига нисбатан 300—400 фоизга оширмади. Россия билан шартнома шунга олиб келдики, натижада нархнинг ошиши прейскурант бўйича 10—12 фоизни ташкил этди».

А. Кружилин ёзганидек, тошкентликлар ҳақиқатан ҳам арзонга олиш ва қимматга сотишда шайтоини доғда қолдирадиган бўлсалар, ўз маҳсулотларини 10—12 фоиз устама нархда сотган ҳолда, бошқаларнинг маҳсулотини 300—400 фоиз қимматига харид қилиш ҳақидаги шартноманинг имзоланишига нега томошабин бўлиб турибдилар? Агар тошкентликлардан доғда қолаётганларни А. Кружилиннинг ибораси билан «шайтон» деб атайдиган бўлсак, тошкентликларни ва умуман ўзбек халқини шу даражада лақиллатаётганларни ким деб аташ мумкин?! Оқибат натижада бундай ноҳақликлар халқнинг сабр косасини тўлдирмаслигига ким кафолат бера олади?

Холбуки, ўзбек халқининг қаҳр-ғазабини қўзғаётган бундай сабаблар оз эмас. Ўртоқ Кружилин Тошкентда рўй бераётган баъзи тартибсизликларнинг сабабларини (юқорида мисол келтирдик) жуда яхши билгани ҳолда ўз мақоласида тартибсизликларга норасмий ташкилотларни, ижодкорларни айбдор қилиб кўрсатади: «Бизнинг шаҳримизда миллатлараро жиддий тўқнашувларни келтириб чиқариш қийин, ҳатто мумкин эмас. Кейинги беш йил давомида бундай иш билан ёзувчилар ва уларга яқин доирадаги турли норасмийлар шуғулланишмоқда, лекин улар ҳеч қандай муваффақиятга эришса олмадилар. Бор-йўғи икки-уч марта митинг бўлди. Буларнинг ҳаммаси талабалар тўдасининг... ким» кимга қанча қарз — ўзбеклар ўрислардами ёки ўрислар ўзбекларгами, деган бақириқлари остида ўтди».

Мақола муаллифининг бизнинг шаҳримизда «миллатлараро жиддий тўқнашувлар келтириб чиқариш қийин» деган сўзларига биз ҳам қўшиламиз, буидан фахрланамиз ва бунинг асосий сабаби— халқимизнинг меҳмондўстлиги, миллатчилик кайфиятларидан йироқлиги деб биламиз. Лекин «Ким кимдан қанча қарз» деган масала кун тартибига қўйилишиинг асосий сабабчиси норасмий ташкилотлар эмаслигини наҳотки Кружилин билмаса? Ахир бу масала кун тартибига қўйилиб, митингларга сабаб бўлишидан олдин Кружилинга маслакдош мухбирлар «Ўзбеклар—боқиманда», «Ўзбекистон бугун бошқаларнинг нонига шерик бўлаяпти» қабилидаги фикрлар билан матбуот орқали бутун оламга жар солган эмасмидилар?!

«Уруғ-аймоқлар» мақоласи муаллифи бизнинг назаримизда миллатлараро можаролар келиб чиқмаётганлигидан зорланиш билан чекланмайди, балки у халқимиз орасида маҳаллийчилик кайфиятларининг ёйилишига зўр бериб уринган. Исбот учун мақоланинг қуйидаги парчасига эътибор қилиш кифоя: «Яқиндан кузатиш шуни кўрсатдики, миллатчилик ғояси тарғиботчилари орасида тошкентликлар йўқ; улар Урганчдан — хоразмлик, бошқаси Бойсундан — сурхондарёлик ва ҳоказо... Тошкентликлар қаторида ҳар қанча рўйхатда туришмасин, барибир улар шаҳримиз учун бегоналардир...»

Худди шу ўринда «Уруғ-аймоқлар» мақоласининг замирида тошкентликларни турли вилоятлардан келган ўзбекларга қарши қўйиш нияти борлигини илғаш қийин эмас.

Мақола муаллифи Тошкентда бошқа миллат вакиллари билан турмуш қуруб-чилар сони ортиб бораётганлиги, айниқса соф ўзбек тилида гапиролмайдиганлар кўпаяётганлигини севинч билан таъкидлаб шундай дейди: «Ўз навбатида тошкентлик ўзбеклар ўзлари сезмаган ҳолда ва муқаррар равишда нутқларига ўрисча сўзларни аралаштириб бормоқдалар». Буларни ўқиб, «Литературная газета»дек эътиборли, сўз санъатини яхши тушунадиган рўзнома Сталиннинг тнллар қўшилиб кетиши ҳақидаги сийқа ғояси ушбу мақолада тарғиб қилинаётганлигини наҳотки сезмаган бўлса, ёки бу «сезмаслик» заминида ҳам бир гап бормикан, деб ўйга толасиз.

Мақоланинг мана бу жойи эса ҳаммасидан ошиб тушади: «...христианлар бизда жон-жон деб суннат тўйига борадилар, мусулмонлар ва яҳудийлар чўчқа ёғию ароқдан қайтмайдилар. Ва улар биргаликда кейинги сафар ит гўштидан тайёрланган шўрвадан татиб кўриш учун корейса ресторанга киришни хуш кўрадилар».

Азиз ҳамшаҳарлар! Ўз она тилида уддалаб сўзлолмайдиган, ароқдан, чўчқа ёғидан, ит гўштидан қайтмайдиган, халқ харакатларидан хабари йўқ бир ҳовуч манқуртлар наҳотки бизнинг уруғ-аймоғимиз бўлсалар?!

Наҳотки ҳоразмлик, сурхондарёлик, фарғонаю наманганлик, бухорою самарқандлик, қўқону андижонлик, дини, эътиқоди, урф-одати тили, миллати бир туғишганларимиз биз учун бегона, келгиндилар бўлсалар?!

Мақоланинг номланишига эътибор бердингизми? Қадимги ирландияликлар ва шотландияликлар уруғ жамоаларинн, уруғ-аймоқларини «клан» деб атаганлар. Кружилин бу билан тошкентликларни ибтидоий жамоага ўхшатмоқчи.

Шаҳримизда сувнинг тескари оқизилиши бундан ортиқ бўладими? Наҳотки миллийлик ва байналмилал деган муқаддас туйғуларни шунчалик бачаналаштириш ва топташ мумкин?

А. АБДУРАЗЗОҚОВ, И. ЖУМАНИЁЗОВ, С. УЛУҒОВ, З. САИТОВ, У. ХУДОЙБЕРГАНОВ,
— жами 53 имзо.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон Диния бошқармасининг навбатдаги анжумани иш бошлади. «Миллатлараро муносабатлар, халқлар ўртасидаги дўстлик» мавзуида ўтаётган бу анжуманда қатор жумҳуриятлар дин арбоблари иштирок этмоқдалар. Унда ҳозирги шароитда мусулмонларнинг тинч, осойишта яшашлари, бир-бирларини қўллаб-қувватлашлари муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланди.

Туркманистонлик диндорлар вакили Ўроз Нефесов «Бизда турли миллат вакиллари гўё бир ота-онанинг фарзандларидек жуда иноқ яшамоқдалар, раҳм-шафқат, биродарлик йўлида хайр-эҳсонларини аямаётилар», деди.

Қозоғистон вакили Абдулла Жўлдос эса «Қозоқлар ўзбекларни қардошим, боғурим деб ўзларига яқин тутадилар, қадим-қадимдан қуда-анда бўлиб келган бу қондошлар бир-бирлари» билан янада яқин алоқа ўрнатишларига биз, диний раҳбарлар янада катта эътибор беришимиз лозим», деди.

Тожикистондан Мансур Худойдодов, Қирғизистондан Сойибжон Абдувоҳидов ҳам биргаликда олиб бориладиган ишлар ҳақида амалий фикрлар билдиришди. Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Диния бошқармаси раиси муфтий Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари бу хайрли ишларни амвага оширишда ҳаммага барака, куч-қудрат тилади. Диний арбоблар келгусида қилинадиган тадбирлар юзасидан келишиб олдилар.

Маъмур НАЗАР.

СУРАТДА: анжуман қатнашчилари.
Муаллиф олган сурат.

Балодан ҳазар

ПОКЛИК — СОҒЛИК

Қиш кунларида олис қишлоқлардаги ариқ сувларн музлаб, шаҳар ҳовлиларидаги кўпгина водопроводлар ҳам яхлаб қолади. Бундай дамларда одам қўлини совуқ сувга уриси келмайди. Айрим болакайлар эса тонгдаги ювинишда «мушук юз чайиши»дан андоза олганлар.

Шундай кунларнинг бирида касалхонага беш яшар Санжарни оғир аҳволда олиб келишди. У жуда мажолсиз, ҳушсиз эди. Қаттиқ ҳаяжондаги онаси Донохоннинг айтишича, ўғли куни кеча тўсатдан қайт қилиб, ичи кета бошлаган, шундан ҳолсизланган, кўзлари киртайиб, тана териси бўшашиб қолган. Тиббиёт ходимларининг зудлик билан кўрсатган ёрдамлари туфайли бола ўлимдан сақлаб қолинди.

Санжарнинг бундай ўткир ичак касаллигига дучор бўлишига ота-оналари ва тарбиячиларининг бола шахсий гигиенасига аҳамиятсиз қарашлари сабаб бўлди.

Ўткир ичак касалликлари кенг гуруҳдаги хасталикдир. Уларни қўзғатувчи микроблар одам танасига оғиз орқали тушиб, ичакларда кўпаяди. Бу дардга чалинишнинг 60—70 фоизи 2 ёшгача бўлган болаларга тўғри келади. Айниқса, боғчаларга бормайдиган, уйда етарли қарови бўлмаганлар кўпроқ оғрийдилар. Чунки улар мева ва сабзавотларни бетартиб истеъмол этадилар.

Баъзан болага қарайдиган одамлар гигиена қоидаларига пухта риоя қилмасалар, хусусан ҳожатхонадан чиққач қўлларини совунлаб ювмасалар, микроблар сўрғичга, ўйинчоқларга ва бошқа нарсаларга ёпишади, бола эса уларни оғзига солиб, касални юқтиради. Сўнг иситмалайди, қусади, ичи кетади, жуда кўп суюқлик йўқотади. Бундай ҳол ҳатто ўлимгача олиб бориши мумкин.

Касалликнинг олдини олиш учун унинг илк аломатлари пайдо бўлиши биланоқ беморга регидрон ёки глюкосалан эритмасидан ичириб, сўнг тиббий ходимларга мурожаат қилиш керак.

Агар бемор шифохонага жойлаштирилса, у ётган уйни, ишлатган ва ушлаган нарсаларини хлорамин ёки хлорли оҳак эритмаси билан ювиб, микроблар зарарсизлантириладн. Болани тўғри овқатлантириш, қўлларини совунлаб ювиш, тирноқларини олиш, чўмилтириш, ўйинчоқларни чайиб туриш керак. Уни ёшлигидан озодаликка ўргатиш, кўчада ўйнаб келганидан сўнг, овқатланишдан олдин қўлларини совунлаб ювишга, мева ва сабзавотларни водопровод суви ёки қайнатилган сувда обдон чайишга, қайнаган сув ичишга ўргатиб бориш керак.

Нон ва озиқ-овқат маҳсулотларини чангдан, пашшадан, бузилиб қолишдан сақлаш, рўзғор музҳоналарида пишган ва хом маҳсулотларни алоҳида тутиш лозим. Қайнатилмаган ариқ, ҳовуз сувларини ичмаслик, хонаю ҳовлиларнинг озода бўлиши юқумли ошқозон-ичак касалликларининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Б. МАДАМИНОВ,
Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ходими.

«МАЪРИФАТ» ХИЗМАТИНГИЗДА

Халқ депутатлари Бувайда район кенгаши қошида район фирқа комитети билан биргаликда «Маърифат» ижтимоий-сиёсий маркази ташкил этилди.

— Унинг юмушлари кўп ва ранг-баранг, — дейди марказ мудири Нормуҳаммад Қўйчиев. — Давра суҳбатлари, савол-жавоб кечалари ўтказамиз, араб, форс, инглиз тиллари, эски ўзбек ёзувини ўрганиш курсларини очамиз, иқтисодий ва ижтимоий тадқиқотлар олиб борамиз, халқ дорилфунунлари фаолиятини йўлга қўямиз, мутахассислар малакаларини оширишларига кўмаклашамиз ва яна шу каби бошқа хизматлар кўрсатамиз.

Ш. ЙЎЛДОШЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ХУШХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

ХОРИЖ БИЛАН ШЕРИКЛИК

АНДИЖОН. Избоскан районининг Абдусамад Тиллабоева номли жамоа хўжалиги аҳли Италиянинг Парма шаҳридаги «Маэзини-Комако» фирмаси билан шартнома тузди.

КЕЛИШУВГА мувофиқ Италиядан олинадиган технология асосида консерва заводи қурилади. Соатига 5 тонна помидорни қайта ишлаш қувватига эга бўлган бу корхона мавсум давомида ўн минг тонна томат пастаси тайёрлайди.

Заводни етарли хомашё билан таъминлаб бўладими? Жамоа бошқаруви экин майдонларини кўриб чиқаяпти, аҳоли билан шартномалар тузиш режаланяпти. Шунисн муҳимки, етиштирилган ҳосилда нитрат миқдори меъёрдан ошмаслиги керак. Жамоа аҳли жаҳон бозорига маҳсулот чиқариб, хазинани валюта билан бойитишни мақсад қилган.

Завод ишга тушгач, хўжалик ҳудудида қўшимча корхона ҳам қурилади. «Маэзини-Комако» фирмаси билан шартномада мева қиёмлари, мурабболари, чанқоқбосди ичимликлар, шербатлар тайёрлаш ҳам кўзда тутилган. Шу мақсадда пойтуғлик икки мутахассис Италиядв ўқиб, малака ошириб келади.

Ф. ШОДМОНАЛИ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МАНФААТЛИ КЕЛИШУВ

ТОШКЕНТ. «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси билан Запорожье автомобил заводи ўртасида тузилган келишувдан ҳар икки жамоа аъзоларн ютдилар.

ШАКЛЛАНГАН тартибларга биноан бирлашмага қайнинги 3 йил ичида рейжроком томонидан 26 дона енгил автомашина ажратилган эди, холос. Жамоада эса машина олиш учун навбатда турганлар кўп. Бирлашма маъмурияти вазиятдан чиқиш йўлини топди — Запорожье автомобил заводи билан шартнома тузди. Ўзаро аҳдлашувга кўра «Технолог» автомобилсозларга техникавий ёрдам кўрсатди ва бунинг эвазига сўнгги нусхадаги автомашиналарни олди. Иккала томон учун ҳам манфаатли ҳамкорлик туфайли 1990 йилда бирлашманинг 29 ишчи-хизматчиси янгинги «Таврия»ларнинг эгаси бўлди.

Б. ПЎЛАТОВ.

1991 Алишер Навоий йили

ЁДЛАБ ОЛИНГ

ГАРДУН УЗА БАЗМ УЧУН МАҚОМ АЙЛАДИ ТУТ,
УЛ БАЗМДА ХУРШИДНИ ЖОМ АЙЛАДИ ТУТ.
УЛ ЖОМ ИЛА ИШРАТНИ МУДОМ АЙЛАДИ ТУТ,
ОХИР ДАМИ ЕР ҚУЙИ ХИРОМ АЙЛАДИ ТУТ.

Навоийга бағишланган кечалар

КУТУБХОНАДА

Тошкент вилояти «Октябрь» кутубхонасида бўлиб ўтган катта тадбирда Тошкент давлат университети журналистика ва филология факультетлари, муаллимлар олийгоҳи талабалари Навоий хотирасини ёд этдилар.

Университет профессори Анвар Хожиаҳмедов бобокалонимизнинг жаҳон адабиётига ва туркий тил риоҳожига қўшган ҳиссаси, асарларининг бош мезони инсонни улуғлаш бўлганлиги ҳақида сўзлади. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси котиби Тоҳир Малик, олим Бегали Қосимов, кечада қатнашган талабалар ҳамда меҳмонлар шоир ижоди хусусида фикр юритдилар, ғазалларидан ўқиб бердилар. Кутубхона ходимлари эса унинг ҳаётига бағишланган махсус жавонларни намойиш этишди.

Кеча Аброр Ҳидоятов номли театр артистларининг «Фарҳод ва Ширин» асари асосида тайёрланган саҳна кўринишлари билан тугалланди.

М. НАЗАРОВ.

МАКТАБДА

Тошкент районидаги Йўлдош Охунбобоев номли 9-ўрта мактабининг 5—7 синф ўқувчилари ўртасида ифодали ўқиш ўтказилди. Унда 5-синф талабаси Фарҳод Ғуломов ғолиб топилди. «Навоий гулшани» деб номланган ижодий кечага атаб деворий ойнома ва альбомлар тайёрланди. Навоий ғазалларидан намуналар ўқилди. 11-синф ўқувчиси А. Тоҳирова ижро этган «Муножот» қўшиғи қалбларни ром айлади.

Гулнора ҚУЧҚОРОВА.

Ёш ҳайкалтарошлар Садриддин Салимов ва Азамат Асанбоев буюк мутафаккир ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг 550 йиллик юбилейи муносабати билан шоир ҳайкалини яратишди. Ёдгорлик кўҳна Шаҳрисабзда ўрнатилади.

СУРАТДА: ҳайкалтарошлар С. Салимов (чапда) ва А. Асанбоев иш устида.

Ш. ШАРОПОВ олган сурат. (ЎзТАГ).

Муштарий мулоҳазаси

«ЧАЙКА»га алмаштирилган Фурқат

Аниқ эсимда, бундан ўттиз йил муқаддам машҳур шоир Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат таваллудига 100 йил тўлиши муносабати билан ҳозирги Чилонзор савдо маркази байрамона безатилиб, карнай-сурнай садолари остида катта анжуман уюштирилган эди. Ўша анжуманда шоир ва ёзувчилар, Фурқатнинг қариндош-уруғлари, минглаб меҳнаткашлар иштирок этишганди. Маросим сўнггида ажойиб бир қарор ўқилганди. «Ушбу бунёд этиладиган майдон ва қурилажак кинотеатрга Зокиржон Фурқат номини бериш ва унинг ҳайкалини ўрнатиш» айтилганди унда. Қарор гулдурос қарсаклар билан маъқулланиб, ҳайрли ишнинг дебочаси сифатида юқоридаги сўзлар мармар тошга ёзилиб, майдонга қўйилганди.

Афсуслар бўлсинким, бу мармар тош бир йил чанг-тупроққа беланиб ётиб, сўнгра ғойиб бўлди. Кейинчалик майдон Чилонзор савдо маркази, кинотеатр эса «Чайка» деб ном олди. Фурқатнинг ҳайкали эса... Собир Раҳимов номидаги болалар истироҳат боғига ўрнатилди. Бу юмушлар қайси билимдоннинг таклифига кўра амалга ошган экан-а?

Яқинда овознигорган севимли шоиримиз таваллудининг 130 йиллиги ўтказилишини эшитиб, хурсанд бўлдим. Шояд шу муносабат билан унутилган қарордаги тилаклар, ниятлар амалга ошса. Агар шу иш рўёбга чиқса, ўз ваъдамизда собит қолган бўлардик...

Нажмиддин МУҲИДДИНОВ,
Чкалов номли самолётсозлик заводининг ветерани.

«Кекса ҳуқуқшуноснинг дил сўзлари»

ИМОННИ ҚАТАҒОН ЭТМАЙЛИК

Ҳақиқат эгилади, лекин синмайди, деган нақлнинг нечоғли ҳаётий, ҳаққоний эканлигига касбим тақозоси билан кўп бор ишонч ҳосил қилганман. Узоқ йиллар мобайнида судлов, прокуратура ташкилотларида ишладим. Фарғона вилояти прокурори, Самарқанд вилоят судининг аъзоси сифатида кўплаб жиноий ишларни кўриш, жазо белгилашда қатнашганман. Адолат, ҳаққоният терозисини сергаклик билан тутишга, бирон-бир кишининг ноҳақ жабр тортишига йўл қўймасликка интилдим. Зеро, ўттизинчи йиллардаги даҳшатли қатағонлар, қонунни оёқ ости қилиш, инсон қадрини топташ, миллионлаб бадодликларни кўргандим, улар ўсмир тасаввуримда ўчмас из қолдирганди.

Афсуслар бўлсинким, ёшим етмишга кирганда ана ўшанга ўхшаган ҳақсизликлар, туҳмату маломатларнинг яна гувоҳи бўлдим. Гдлян ва Иванов бошлиқ бир гуруҳ сиёсий шуҳрат таъмагирлари ўз манфаатлари йўлида бутун бир жумҳурият, катта бир миллатни бадном қилишга уринишдилар. Айрим мансабпараст, худбин, кўрқоқ ҳамюртларимиз уларга фатво бериб, қарсак чалиб турганлари ҳам сир эмас.

Шубҳасиз, пахтачиликда қўшиб ёзишлар, кўзбўямачилик ҳоллари бор эди. Мен ўзим Самарқанд, Қашқадарё, Хоразм вилоятларида ана шу жиноят билан боғлиқ суд мажлисларини бевосита бошқарганман. Айрим кишилар, муайян гуруҳлар томонидан қилинган жиноятлар ҳамиша муносиб жазосини олиб келган. Бироқ бу иллатни бутун бир жумҳурият миқёсига кўтариш, халқ юзига лой чаплашга уринишнинг ўзи ҳам даҳшатли жиноятдир. Бинобарин, Гдлян ва Ивановларнинг жиноятқорона хатти-ҳаракатлари албатта ҳақли жазосини олади деб ишонаман.

«Рашидовчилик» деган уйдирма ҳам Гдлян сингари товламачилар томонидан тўқиб чиқарилган. Аслида Шараф Рашидов нафақат жумҳуриятимиз, балки бутун мамлакат солномасидан ўрин олиши лозим бўлган инсонлардан эди. Албатта, 10 йил Олий Кенгашни, 24 йил Марказкомни бошқарган киши хатолардан холи бўлиши мумкин эмас. Қолаверса, у ўз даврининг — ғоят мураккаб, чалкашлик ва зиддиятларга тўла даврнинг фарзанди эди. Марказнинг доимий, қаттиқ назорати ҳукм сурган маъмурий-буйруқбозлик даврига чиққан бир маҳалда унинг бирон-бир масалада ўзича иш тутганлигига ишониш мумкинми? Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг: нанки жумҳурият, ҳатто оддий бир район, шаҳар, ҳатто қишлоқ фаолияти Москванинг назорати остида бўлиб келган.

Рашидовнинг инсоний фазилатларига келганда, мен у билан бир пайтда дорилфунунда ўқиганим, шахсан таниганим учун «улуғ ва айни пайтда ниҳоятда оддий, камтарин киши эди» деб айта оламан. 1940 йил апрель-май ойларида биз — Ўзбекистон давлат дорилфунуни талабалари Каттақўрғон сув омбори қурилишида қатнашдик. Ўша пайтда Шараф Рашидов тил ва адабиёт бўлимининг охирги курсида таълим олар ва айни пайтда «Қизил Ўзбекистон» рўзномасининг Самарқанд вилояти бўйича мухбири эди. Ишчан, диликаш ва камтарин йигит таниш-билишларнинг меҳр-муҳаббатини қозонганди. Унинг қишлоқ фидокорлари ҳақидаги лаҳза, ҳикоялари, шеърларини ўқиб ғоят завқланар эдик.

Сўнгра у ва бошқа тенгқурларнинг кўпчилиги фронтга кетдик. Жангдан қайтиб келганимдан кейин унинг масъул вазифада ишлаётганлигини эшитдим. Сўнгра Тошкентга яна ҳам юқори лавозимга кўтарилди. Шу йилларда ва ундан кейин ҳам уни неча марта кўрган бўлсам, худди ўша халқ қаҳарига бориб юрган пайтлардагидек дилкаш, камтаринлигича қолганига ишонч ҳосил қилдим. Айниқса шунинг учун ҳам у халқимиз қалбида ёрқин из қолдирган.

Ана шундай инсон хотирасини ноҳақ оёқ ости қилганлар, шубҳасиз, нафратга лучор бўладилар. Биз эса уларга эргашиб қилган хатоимизни тезроқ тузатишимиз лозим, деб ўйлайман. Бугунги раҳбариятимиз мазкур масалада холисона иш тутмоқда — бунинг учун миннатдормиз.

Юқоридаги фикрларимиз хулосаси битта, у ҳам бўлса халқимиз адолатга, ҳаққониятга имон-эътиқодида қамиша мустаҳкамдир. Жумҳуриятимизни сиёсий ва иқтисодий мустақилликка олиб чиқишда ана шу барқарор имон, собит эътиқодга таянилиши зарур, деб ўйлайман.

Неъмат АБДУЛЛАЕВ,
адлия ветерани, Самарқанд аҳолиси ҳуқуқшуносларнинг уюшмаси раисининг ўринбосари.

ЗАМИН САЙҚАЛИНИ ЎЙЛАБ

«САМАРҚАНДНИ ТИКЛАШ ЖАМҒАРМАСИ» ИШ БОШЛАМОҚДА

Шарқнинг кўрки бўлган қўҳна шаҳар, бетакрор меъморий обидалар масканн, қадимул айёмдан илму маърифат, маданият ва санъат маркази ҳисобланиб келган Самарқандниг бугунги қиёфаси асрий таъриф ва тавсифларга мувофиқ келадими? Йўқ. Йиллар ўтмоқда, даврлар шамоли нилий гумбазу минораларни емирмоқда, ёдгорликларга путур етмоқда. Уларни таъмирлашга ажратилаётган арзимас маблағ урвоқ ҳам бўлмаётир. Замонавий бинокорликнинг аҳоли ўзингиз билгандек: бир қопипдаги қутисимон уйлар, завсиз иморатлар...

Бинобарин, «берсанг — ейман...» қабилида қўл қовуштириб ўтириш тўғрими? «Қимирлаган қир ошар», «ҳаракатда барака» дамишлар, ахир.

«Самарқандни тиклаш жамғармасини ташкил этиш ғояси ана шу изланишлар ҳосиласи бўлди. Халқ депутатлари вилоят кенгаши раиси, вилоят партия комитетининг биринчи котиби Пўлат Мажидович Абдураҳмонов ана шу фикрни шаҳарнинг пешқадам зиёлилари, олиму фозиллари, қариялар билан маслаҳатлашиб, обдон пишитди. Сўнгра вилоят партия комитети пленумида ўртага ташлади. Таклиф қизғин қўллаб-қувватланди. Халқ депутатлари вилоят кенгаши раёсатида қарор қабул қилинди. Ташкилий комитет тузишга киришилди.

Маълумингизким, ҳозир турли фондлар, жамғармалар, ёрдам уюшмалари, хайр-эҳсон жамиятлари кўпайиб кетди. Демак, муҳтарам муштарий кўнглидан «шусиз ҳам бир аҳволда кун кечираётган меҳнат аҳлига яна «чўзинг», деб турсак инсофдан бўлармикан?» деган андиша ўтиши табиий.

— Фикрингиз тўғри, — дейди Пўлат Мажидович, — бироқ айни пайтда аҳволимиз ночор деб, бебаҳо маданий меросимиз, маънавий бойликларимизнинг фатарот бўлишига бефарқ қарашга ҳаққимиз йўқ. Иккиничидан, ҳаёт, хайру барака бизга бобомерос тушунчалардир. Бор — борича, йўқ — ҳоличе. Қадим-қадимдан уч-тўрт сўм пули бор тадбиркору бадавлат одамлар, уюшмалар, ширкетлар баниятн савоб, деб масжиду мактаб қурганлар, табобату шафқа тадбирларига бош қўшганлар. Ҳозирги кунда ҳам ана шундай эзгу мақсадни дилига тугиб юрган кишилар бор, деб ўйлаймиз. Қолаверса, чет эллардаги ватандошларимиз ва дунёвий маънавиятнинг бебаҳо дурдоналарига меҳр-муҳаббат кўзи билан қаровчи барча кишилар шу муборак ишга астойдил бош қўшадилар, деган умидимиз ҳам бор.

Дарҳақиқат, яхши ният — ярим давлат. Ушбу эзгу тадбир халқимиз азалий удумларини, хайр-эҳсон, диёнат сингари муқаддас тушунчаларни барқарор этишга асосланганлиги нур устига аъло нур.

Шундай қилиб, 21 мартда, Наврўз тантаналари нишонладиган кунда жамғарманинг очилиш-таништириш маросими бўлади. 100 минг сўмдан зиёд аъзолик бадали тўлаган корхоналар, ташкилотлар жамоаларн жамғарма кенгаши таркибига киришлари мумкин. Сентябрь ойида эса халқаро телемарафон ўтказиш мўлжалланмоқда. Ҳозирча муштарийларимизга жамғармаинг мақсад-мақсади ҳақида маълумот бермоқчимиз. Мабодо ушбу хайрли ташаббусга бош қўшишни ихтиёр этсангиз, Агросаноат банкининг Самарқанд бўлимига мурожаат қилинг. Ҳисоб-китоб рақами: С00007258.

Ҳабиб ТЕМИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЭРМАКМИ ЁКИ ДИЛХИРАЛИК?

ИТБОЗЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛМОҚ ЗАРУР

Бу мулоҳазалар кўпдан буён дилимда нохуш кайфият уйғотади, баъзан тинчимни бузади. Гоҳида ўйларимни таниш-билишларга ҳам айтаман. Қарангки, фикрларимиз деярли ҳамиша мос тушади. Шуни назарда тутиб кўнгилдаги кечганларни бошқаларга ҳам айтишни раво кўрдим. Шояд улар бу масалани ижобий ҳал қилишда менга ёрдамлашсалар. Балки янглишаётирман. Ахир, арзимайдиган кичик ҳолатлар гоҳида газак олиб, катта воқеаларга айланиб кетаётгани эндиликда ҳеч кимга сир эмас-ку!

Буни кўпчиликка ҳавола қилишимга кейинги вақтларда юз берган ҳамда ўзим эшитган айрим воқеалар туртки берди. Энг сўнггиси эса қўлимга қалам олишга мажбур этди.

Ишдан кейин уйга яёв жўнашга тўғри келди. Кеча ёқан қалин қор ҳамда совуқдан қопланган муз шаҳар транспорти қатновини ишдан чиқарган. Доимо шундай: табиатнинг кичкина зарбаси ҳам бир маромдаги яшаш тарзини тўзғитиб юборади. Ана, бекатларда одамлар тирбанд — на троллейбус, на автобус кўринади. Йўловчилар дуч келган машиналарга ёпирилишади. Совуқда кутишдан ёмони йўқ. Ҳар қалай, яёв бўлса-да, олга жилган афзал. Айниқса йўл олис бўлмаса ҳамда ўзга тўсиқлар қалал бермаса, қорда юришнинг гашти ўзгача...

Гурсиллаб йиқилиб, инқиллаган овозлан чўчиб тушдим. Менман сал нарироқда бир аёл чўзилиб ётар, ўрнидан туришга уриниб типирчилар, оёғи сирғаниб, туришга монелик қилар, ундан икки-уч қадам нарида каттакон қора ит ўз эгаси сари ўйноқлаб борарди. Ит эгаси бўлмиш малла, найнов йигит уни ўзича алқарди.

Шошганча юриб, аёлни турғазишга ёрдамлашдим.

— Кучугинг билан қўшмозор бўл! — дея ғудранди аёл журъатсиз оҳангда йигит томонга қараб.

— Тишладими? — хавотирланиб сўрадим аёлдан. — Қопғон эканми, а?

— Ти-тишлаганн йўғ-у... ундан баттар бўлди... Қўрқиб кетдим, — аёл энди йиғламсираб гапирарди, — ҳайрият қор юмшоқ экан.

Дарҳақиқат, қор ҳали яхлаб улгурмаган. Яхлагида йиқилса, бирор кори ҳол юз бериши мумкин эди. Яхмалакда сирғалиб-тойиб жароҳат олганлар билан касалхоналар тўлиб кетиши ҳаммага аён. Айниқса қўрқкан лаҳзаларда йиқилиш янада аянчлироқ кечади. Наҳотки буни ит эгаси тушунишни истамайди. Унинг таъзирини бериш керакми? Лекин қандай?

Афсус, ҳозир бунга имкон йўқ. Ҳатто таъбеқ ҳам беролмадим. У аллақачон олислаб кетган, итни ичкарироқда сайр эттирар эди. Атрофда яна бир неча итбозлару итлар пайдо бўлган, гўё улар ўзгалар билан дарди йўқдай, ўз ишлари билан машғул эдилар, итлар қор тўзғитиб, бир-бирларини қуалашар, айримлари йўлнинг хўжасига айланиб, эгаси ила гердайганча юриб борардилар. Битта-яримта йўловчилар улардан ҳадиксираб, йўл чеккасидан қўрқа-писа ўтардилар. Тўғри, ҳозир кишилар сийрак. Қиш совуғи ўз таъсирини ўтказган. Аммо бошқа маҳаллар бу хиёбонда кезувчилар анча кўпаяди, итлару итбозлар ҳам қўзиқоринлар мисол потраб чиқишади. Уларга ҳеч ким индамайди.

Айни шу чоғ ёзда кечган яна бир воқеа хаёлимдан ўтди. Ўшанда тонг пайти худди шу хиёбонда югуриш машқини бажараётган эдим. Кичкирикдан кайфим учиб, таққа тўхтадим. Менден сал олдинроқда шошилмай қадам ташлаб бораётган малла йигит завқланиб кулди, сўнг парвосизгина «индамайди», деб қўйди. Ундан ўн-ўн икки қадам нарида каттакон қора ит ўз эгаси сари ўйноқлаб борарди. Ит эгаси бўлмиш малла, найнов йигит уни ўзича алқарди.

— Тишладими? — деб сўрадим. Ахир, ҳамма бир хил эмас-ку! Биров ит қилиғига бепарво, биров ундан ижиғанади, айримлар қўрқади. Боз устига сенинг қулоқсиз, шўх.

— Лекин тишламайди, ўйинга ўч.

— Тилсиз жонивор ва катталик қилиб бўлмайди, — дедим-у анча олдинроқ бир таниш-нинг боласнни хиёбонда худди шунақа ит қопганини, қанча сарсону оворагарчилик, касалхонада ётишлар-у муолажалар қилинганини эсладим. Бундай ҳодисалар ҳар куни шаҳарда қанчадан-қанча юз бериши мумкинлигини ўйласанг, яна дилинг хуфтон бўлади. Ит эгалари эса пинакларини бузмайдилар. Ана, бу йигитча ҳам неча марта огоҳлантиришга қарамай парвосиз, аммо гердайганича йўлида давом этди. Сал юргач, яна эрмагининг ипини ечиб юборди. Мен билан бирга чопиб бораётган киши воқеадан хабардор эди, у хўрсинганча:

— Буларга насиҳат ҳайф, ўз билганларидан қолмайдилар, гўёки шаҳар ўзларининкию бошқалар, айниқса туб аҳоли ижарачи. Шу боис, билган номаъқулчиликни қилаверадилар.

Ўйланиб қолдим. Дарҳақиқат, туб аҳолига, унинг эътиқодию қарашларига, миллий анъаналарга менсимай муносабатда бўлиш, улар билан қисоблашмаслик яхшилик келтирмаслигини наҳотки унутиб одамларга ҳурматсизлик, деб. Ахир, ҳамма бир хил эмас-ку! Биров ит қилиғига бепарво, биров ундан ижиғанади, айримлар қўрқади. Боз устига сенинг қулоқсиз, шўх.

— Лекин тишламайди, ўйинга ўч.

— Тилсиз жонивор ва катталик қилиб бўлмайди, — дедим-у анча олдинроқ бир таниш-нинг боласнни хиёбонда худди шунақа ит қопганини, қанча сарсону оворагарчилик, касалхонада ётишлар-у муолажалар қилинганини эсладим. Бундай ҳодисалар ҳар куни шаҳарда қанчадан-қанча юз бериши мумкинлигини ўйласанг, яна дилинг хуфтон бўлади. Ит эгалари эса пинакларини бузмайдилар. Ана, бу йигитча ҳам неча марта огоҳлантиришга қарамай парвосиз, аммо гердайганича йўлида давом этди. Сал юргач, яна эрмагининг ипини ечиб юборди. Мен билан бирга чопиб бораётган киши воқеадан хабардор эди, у хўрсинганча:

— Буларга насиҳат ҳайф, ўз билганларидан қолмайдилар, гўёки шаҳар ўзларининкию бошқалар, айниқса туб аҳоли ижарачи. Шу боис, билган номаъқулчиликни қилаверадилар.

Ўйланиб қолдим. Дарҳақиқат, туб аҳолига, унинг эътиқодию қарашларига, миллий анъаналарга менсимай муносабатда бўлиш, улар билан қисоблашмаслик яхшилик келтирмаслигини наҳотки унутиб қўядилар?! Шубҳасиз, бунда ўзимизнинг ҳам, айниқса раҳбар шахсларнинг ҳам лоқайдлиги ундайлар тегирмонига сув қуяди, «касаллик»ларнинг ҳамда инсолларнинг газак олишини кучайтиради. Ташвишли жиҳати шундаки, бундай ўзбошимчалар эндиликда шаҳарда кун сайин кўпайиб бораяптилар. Ана, ит эргаштирган, етаклаган одамлар ўнгдан ҳам, сўлдан ҳам, рўпарадан ҳам хиёбонга келиб қўшилишяпти. Кимдир този, кимдир мушук сингари кучук, яна бошқаси баҳайбат, қўрқинчли «булдок», яна бошқаси аллабалолар эгаси. Лекин аксарияти ўз итларини бошвоқсиз қолдиради. Оқибатда уларнинг айримлари эгаларига бўйсунмай йўловчиларга эргашади, суйканади, хира пашша сингари ғингшиб, вовуллаб, ёвқларга тармашади — ғашга тегади.

Яна бир хунук томони: маҳлуқларнинг ҳаммаси ўз одатига мувофиқ ҳар лаҳзада орқа оёғини кўтариб, «иш бажаради» — дарахт танасини, ноаёллару ўт-ўланларни ҳўллаб кетади. Ҳадемай шу ерлардан қанчадан-қанча йўловчилар, сайрчилар: мактаб ҳамда боғча болалари ўтадилар, айримлари ўтлоқда ўйнайдилар, гоҳида чордона қуриб, ҳордиқ чиқарадилар. Бундай ҳолатни кўп мартолар кузатганман. Айниқса болалар бунинг фарқига бориб ўтирмайдилар. Ҳатто қўлларидаги ипону турли пиширириқларни ҳалиги ўтлар устига қўйганча ўйинга маҳлиё бўладилар, бирпасдан сўнг ўшани истеъмол қиладилар. Бу эса болалар ўртасида ҳар хил касалликлар қўзғалишига сабаб бўлади.

Агар бир-нинг ердагина шунақа ҳолларни кўриб эътибор бермасангиз, балки ғашликлар тарқалиб кетар. Аммо бунақа итбозлар фаолияти кун сайин ошиб бораётгани кишини ташвишга солади. Айниқса ёз ойларида хиёбонлар, сайргоҳлар нари турсин, ҳатто оддий йўллару йўлкаларда ҳам, сув ҳавзаларининг бўйларию транспортда ҳам ит етаклаган нозаниклари, ёши бир ерга бориб қолган қариялари, саватдор кимсаларни кўриб, ҳафсаланг из пир бўлади. Ажабо, наҳотки кўча-кўйларда, сўлим масканларда ит етаклаб юришга эҳтиёж борми? Узларини кўриклаш ёки уйларини ўғрилардан ҳимоя қилиш учун, эҳтимол, ит асрашар? Каттакон, кенг ҳовлиларда бу фикр ақлга сиғар. Аммо кўп қаватли уйларда, тиғиз хоналарда буни тасаввур қилишнинг ўзи кишини ноқулай аҳволга солиб қўяди. Эгаси билан бир хонада яшайдиган маҳлуқни, ўша хонадаги бадбўй ҳидни бир эслаинг-а!

Ўшандайлардан биринн эсладим. Бизга яқинроқ кўп қаватли уйлардан бирида учтўртта ит билан бирга эр-хотин арманилар яшашади. Ҳар куни эрталаб ва кечқурун маймунсифат кучукларни эр-хотин сайрга олиб чиқишади. Атрофда айлантиришади, биргаликда ўйнайдилар. Тўғри, бу маҳлуқлар ҳеч кимга ташланмайди, вовулламайди, осойишталикни бузмайди. Ўтлоқларда «иш бажаришни» ҳисобга олмаганда — беозор. Аммо мени ажаблантирадиган жиҳати — бу итлар фарзанд ўрнини бажараркан. Улар учун алоҳида хона ажратилар экан. Ҳаётда фарзандсиз оилалар кам эмас. Уларнинг кўпларн етим болаларни асраб оладилар, вояга етказадилар, ўз наслсизликларн ўрнини инсонийлик фазилатлари билан тўлдирадилар. Бу иш билан жамиятга фойда етказадилар. Аммо итлар, уй ҳайвонлари фарзанд ўрнига ўтармикин? Айниқса уй-жой танқислиги аёв олган ҳозирги шароитда итлар учун алоҳида хона ажратиш инсофданми? Тўғри, биз жониворларни, ҳайвон ва паррандаларни асрашимиз, уларга меҳрибонлик қилишимиз зарур. Лекин ҳар бир ишнинг ўз қонуни ва меъёри бўлиши лозим эмасми? Ваҳоланки, бизда яқин вақтларгача итларнинг нафаси ёмон, дастурхондан камида қирқ газ нариданўтиши керак, деган ақида ҳукм сурарди. Бошқа кўплаб қадриятлар, қарашлар каби бу каби ақидалар ҳам нурсизланиб, йўқолиб, бошқалари билан қўшилиб айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Эндиликда ҳатто ўзимизнинг кишиларимиз орасида уй ҳайвонлари билан бирга яшайдиган, бирга нафас олаётган кимсалар ҳам тез-тез учрайди.

Ёз фаслида ҳамда кузнинг дастлабки ойларида булардан ҳам ёқимсиз манзараларнинг гувоҳи бўласиз. Эҳтимол, кўпчилик кишилар марказий шаҳримиз Тошкентда — анҳор ва кўлларда ўз итларини чўмилтираётган, сувда улар билан ўйнаётган қанча-қанча «иуса»ларни кўргандирлар. Улар билан ёнма-ён ёки қуйида юзлаб болалару катталар ҳам чўмилиб ҳордиқ чиқарадилар. Айрим куларда шаҳар ичидан ўтган барча анқорлару йирик ариқларда итлар тўлиб-тошиб ётади. Уларнинг эгаларини ҳеч ким тартибга чақирмайди, мушукларнинг пишт демайди. Ҳатто сув ёқаларида айланиб юрувчи миршаблар ҳам пинакларнинг бузмайдилар. Аслида бунақа итларнинг аксарияти касаллик тарқатувчи манба ҳисобланади. Афсусланадиган жиҳати шундаки, шаҳар этагида жойлашган кўплаб турар жойларда, Тошкент, Калинин районларининг қатор қишлоқларида одамлар қайта ишланмаган ана шу сувдан тўғридан-тўғри истеъмол қилиб, турли касалликларга йўлиққанлари кўпчиликка маълум.

Итбозларнинг бундай хатти-ҳаракатларию беписандликларидан асаблари бузилиб, ижиғанган қанча-қанча кишиларни кўргаман, ҳар хил норозиликларни эшитганман. Бироқ уларнинг кўпларн бунн ичга ютишдан, ғазаб дардини юракка сингдиришдан нарига ўтолмаганлар. Чунки бу муаммонн кенг маънода ҳис этадиган, бирор чора ўйлайдиган кимсанинг ўзи йўқ.

Агар шаҳардаги барча итлар аниқ ҳисобга олинса ҳамда уларнинг ҳаракатига қатъий чегаралар қўйилса, айниқса жамоат ерларида сайр қилдиришлар, сув ҳавзаларида чўмилтиришлар таъқиқланса, уй ҳайвонлари ҳамда итларни боқишнинг шаҳардаги тартиб-қоидалари миллий урф-одатлар, анъаналар асосида қайта ишлаб чиқилса, ҳар хил кўнгилсиз ҳодисаларнинг олди олинган бўлармиди?! Кўп қаватли уйларда ўзларини қўриқлашни мўлжаллаган кимсалар учун ҳам янги усуллар ишлаб чиқилган. Кўпгина уйларнинг биринчи қаватларига эшик-дарвозалар ўрнатиб, кодлаштирилаяпти. Уй эгаси билан боғланмай туриб, бирор хонадонга кириб бўлмайди. Бу усул ўз самарасини бераяпти. Хуллас, ҳар қандай қийин муаммони ҳал қилиш мумкин. Бунда эса фақат истак, ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам ҳурмат қилиш туйғуси устун бўлиши зарур.

Бу фикрларимизга бошқалар, канг жамоатчилик қандай қараркин?

Муҳаммад САЛОМ.

«АФРИКА ЎЗБЕК РАССОМИ НИГОҲИДА»

Тошкентлик мўйқалам устаси Бахтиёр Назаров иноҳоясига етказган асарлар туркумига шундай ном бериш мумкин. Бу расмлар яқинда Морокашга юборилади ва у ерда кўргазма ташкил этилади. Марокаш-Совет дўстлиги жамияти ўзбек мусаввири ижодий кўргазмасини ташкил этиш ташаббускори бўлди. Гап шундаки, Бахтиёр Назаров «Ўзбекфильм»да ишлар экан, қанчадан-қанча кино асарларини безади. Энг сўнгги асарларидан бири ўзбек режиссери Учқун Назаров билан унинг ҳамкасби — марокашлик Сухейл Бен-Барка билан биргаликда яратилган «Қизитилган дўмбиралар» фильмидир. Б. Назаров Африканинг бу мамлакатида бўлганида бир қанча расмлар чизди, лаҳзалар яратди. Ижодкорнинг ана шу асарлари яқин орада узоқ йўлга чиқади.

(ЎзТАГ).

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МУХТОРОВ.

Таҳрир ҳайъати: Анвар ЖУРАБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Абдували ИМОМАЛИЕВ, Йўлдош ИСМОИЛОВ, Тоҳир МИРҲОДИЕВ, Турғун НАЗАРОВ (масъул котиб), Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ, Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Азим СУЮН, Тоиба ТУЛАГАНОВА, Муҳтарама УЛУҒОВА, Сайди УМИРОВ, Норбобо ШАКАРОВ, Муҳаммад Содиқ Муҳаммад ЮСУФ, Ориф ЮНУС.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй.

Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 22.45. Индекс: 64608. 4907-буюртма.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Халқ сўзи